

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 34 ЙИЛЛИГИ МУБОРАК БЎЛСИН!

O'zingni angla!



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
27-avgust
chorshanba
№ 34 (1460)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqarilgan boshlagan www.uzhurriyat.uz hurriyatuz@mail.ru t.me/hurriyatuz [Hurriyat gazetasi](https://www.facebook.com/Hurriyatgazetasi)

РЕПОРТАЖ

ОРЗУЛАР ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН КҮНЛАР

“Энг улуғ, энг азиз” кўрик-танлови ғолиблари муносиб тақдирланди

Дунёда ўз ўрнига эга бўлган Янги Ўзбекистонни барпо этишда фидойи ижодкорларнинг ҳам ўрни бор. Ижодкор иқтисодори улуғланадиган юртда эса илҳом аҳли бахтиёр яшайди. Ютуқлар эътироф этилган анжуман борки, ғолиблар ва мухлисларга куч-ғайрат, руҳ ва илҳом ошно бўлади.

Республика Ёшлар ишлари агентлиги тантаналар зали шундай қувончларга гувоҳ бўлди. Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан Президентимиз қарорига кўра ўтказилган “Энг улуғ, энг азиз” кўрик-танлови республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими йиғилганларга шуқуҳ бахш этди.

Музыка садолари остида кутиб олинган қатнашчилар хузурида “Энг улуғ, энг азиз” анъанавий кўрик-танлови ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси ва-зифасини бажарувчи Холмурод Салимов ғолиб бўлиш иштиёқида танловда иштирок этган ижодкорлар ҳақида маълумот берди. Унинг қайд этишича, ўттиз йилдан бери анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу кўрик-танловда беллашиш учун бу йил 366 нафар ижодкор 2 мингга яқин ижод намуналарини танлов ҳайъатига ҳавола қилишган. Танловлар ҳа-миша шундай ўтади: совринлар санокли, дав-вогарлар кўп бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақилли-гининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргар-лик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли маж-лис баёни ижроси доирасида “Ватан учун, мил-лат учун, халқ учун!” ғояси асосида “Энг улуғ,



“Энг азиз” кўрик-танловининг республика бос-қичи ғолибларини тақдирлаш маросими, ало-ҳида таъкидлаш керакки, ҳар йилгидан кўра жўшқинроқ ўтди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бош ташкилотчилигида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Кинематография агентлиги, Ўзе-бистон Миллий медиа бирлашмаси, Респуб-лика “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси, Ба-

дий академия, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телера-диокомпанияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу танловга тақдим этилган ижодий ишлар ранг-баранг, турли жанрлардадир. Улар ора-сида мустақиллик йиллари, айниқса, кейинги 8-9 йил ичида амалга оширилган ислохотлар самаралари, янги Ўзбекистон ғояси ифода-сини, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш

йўлида амалга оширилаётган ишлар самара-ларига бағишланган материалларни кўриши-миз мумкин. Жамиятимиздаги ютуқ ва муам-молар, олдимизда турган муҳим вазифалар ҳамда уларни ҳал этиш йўллари ижодий иш-ларда акс этган.

Танловга “Босма ОАВ ходимларининг энг яхши журналистик ишлари”, “Телевидение ва радио ижодкорларининг энг яхши материал-

лари”, “Интернет-журналистикаси”, “Публици-стик жанрдаги энг яхши китоб”, “Ёзувчи ва шоир-ларнинг энг яхши бадий асарлари”, “Тасвирий санъат, фото ва дизайн ишлари”, “Кино санъати асарлари” номинациялари бўйича ижодкорлар-нинг энг сара асарлари тақдим этилганди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари Янги Ўзбеки-стон ғоясининг ифодаси, таҳлилийлик, асар-нинг бадий қиммати, мустақиллик ғоясининг акс этиши ҳамда талқиннинг ўзига хослиги каби мезонларга алоҳида эътибор қаратиш-гани таъкидга молик.

Тақдирлаш маросимида овозини эшитган-нингизда қалбингиз ором топадиган таниқли суҳандонлар саҳнага чиқди. Уларнинг таъ-бири билан айтганда, бу анжуманга қасбидан барака топганлар йиғилган. Тўғри баҳо. Залга йиғилганларнинг ҳар бири бир олам. Мамла-катимизга таниқли шоирлар, ёзувчилар, жур-налистлар, кино усталари, интернет олами илғорлари, фото ва дизайн соҳасида кўзга кў-ринган вакиллар ким ғолиб бўлишдан воқиф бўлмоқни истардилар.

Даврага жўшқинлик бахш этиш учун ҳозир бўлган кўшиқчи Шухрат Дарё саҳнага чиқди. Дилга яқин кўшиқларини тўхфа этди.

Журналистларнинг отахон устози, Ўзбеки-стон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъ-зоси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори Абдусaid Кўчимов “Босма ом-мавий ахборот воситалари ходимларининг энг яхши журналистик ишлари” номинацияси бў-йича ғолибларга мукофотларни топширди.

— Бошқа қасблар вакиллари ўзларининг қасб байрамида эсланади, холос. Сиз билан биз ҳар кун эсланамиз. Бу катта бахт, — деди Абдусaid Кўчимов йиғилган-ларга қарата.

2-6

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН



КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ — ҲАРБИЙ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИДА

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Ҳарбий тиббиёт институтида “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган эзгу ғоя остида “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Мазкур тадбирда қатнашган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б., Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси Холмурод Салимов ҳам сўз олиб, мустақиллик йиллари, айниқса, кейинги 8-9 йил ичида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳаларда кенг кўламли ишлар амалга оширилгани, ислохотлар ўз самарасини бериб, юртимиз йилдан-йилга тараққий этиб бораётганини, аҳолига қулайликлар, имконият ва им-тиёзлар яратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда сиёсий фанлар доктори, профессор, “Маърифат” тар-ғиботчилар жамияти аъзоси Нарзулла Жўраев, Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари — Соғлиқни сақлаш ва-зири ўринбосари Элмира Боситхонова, Кинематография агентлиги директори Шухрат Ризаев, шоира Зулфия Мўминова ва бошқалар маъруза қилди.

Маънавий-маърифий тадбирда Ватанин мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради. Якунда институт меҳмонларига ташаккурномалар топширилди.

2-6

ТАНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрами муносабати билан ўтказилган

“ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ”
анъанавий кўрик-танлови
республика босқичи ғолиблари



“БОСМА ОАВ ХОДИМЛАРИНИНГ ЭНГ ЯХШИ
ЖУРНАЛИСТИК ИШЛАРИ”
НОМИНАЦИЯСИ БҮЙИЧА:

1-ўрин
ҲАКИМ САТТАРОВ — публицист, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва тарихий мавзудаги туркум публицистик мақолалари учун;

2-ўрин
НУРИЛЛО ОСТОНОВ — “Халқ сўзи” газетаси маънавият бў-лими ходими.

Ватанпарварлик, миллий қадриятларни улуғлаш, мам-лакатимизда нуроний ва кексаларни эъзозлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар хусусида марказий нашрларда эълон қилган туркум мақолалари учун;

2-6

ЎРТОҚ “ЎЗБЕКФИЛЬМ”, БЎЛАР ЭКАН-КУ!



“...Кинога юкланган ғоя замирида ўзбек-туркий за-мин қадимда доно Шарқ билан саркаш Оврўпани бирлаштирган бўлса, энди-ликда ҳам Ўзбекистон Шарқ ва Ғарбни боғловчи кўприк бўлиб қолаверди, деган ишора бор...”

8-6

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА

ТЕХНОЛОГИК МУСТАҚИЛЛИК НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?



Технологик мустақиллик — ишлаб чиқаришга ҳеч қандай хорижий материаллар, технологиялар, фан ютуқлари ва асбоб-ускуналарини жалб қилмасдан, нолдан бошлаб зарур миқдорда юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берадиган ишлаб чиқариш, фан-техника ва саноат базасининг шундай ҳолатидир.

6-6

“КАСАБА УЮШМАСИ ВА МЕНИНГ ҲАЁТИМ”

1-6

Термиз шаҳрида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими томонидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, “Дўстлик” ордени соҳиби, Сурхондарё вилояти касабаси уюшмалари кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедовнинг “Касаба уюшмаси ва менинг ҳаётим” номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда 100 дан ортиқ китобсевар ёшлар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар, меҳнат фахрийлари ҳамда вилоят ташкилотлари раҳбарлари иштирок этишди.



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирда Ўзбекистон касабаси уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигига бағишланиб, мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги арафасида босмадан чиққан мазкур китоб юртимизнинг катта тўйига тўёна сифатида эканлиги таъкидланиб, муаллифнинг ибратли умр йўли, ҳаёти ва кизгин иш фаолияти ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Ушбу маънавий-маърифий кечда Ўзбекистон Қаҳрамони, тиббиёт фанлари доктори Раҳмон Муҳаммадиев, Ўзбекистон Ёзувчилар ушмаси вилоят бўлими раҳбари Менгнор Олломодров, вилоят “Нуроний” жамғармаси бўлими раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутаты Оркикул Соатов, Термиз давлат университети профессорлари Поён Бакиров, Сайфулла Турсунов ва бошқа вилоят фаоллари “Касаба уюшмалари тарихи”, “Касаба уюшмалари фаолиятига назар”, “Менинг ҳаёт йўлим” деб номланган уч қисмдан иборат ушбу китоб муаллифнинг узоқ йиллик ижодий меҳнати изланишлари самараси эканлигини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, ушбу тўппам шуниси билан аҳамиятлики, унда нафақат касабаси уюшмаларининг ўтмиши, кечаги кўни, балки буғуни ва эртаси хусусида ҳам ёрқин мушоҳадаларга кенг ўрин берилган. Айниқса, тизимда меҳнат қилаётган фидойи инсонлар фаолияти ҳақида индивидуал тарзда лавҳалар битилган. Мазкур ҳаётий воқелик ва ҳикоялар билан танишган ўқувчи бугунги фаровон кунларнинг ўз-ўзидан келмаганлигини, бу жасоратли меҳнат ва кураш натижаси эканлигини чуқур англай олади. Шу маънода ушбу асарни мустақиллигимизга битилган қасида, деб аташ мумкин.

Бундан ташқари, ходим ва раҳбар сифатида кўплаб соҳаларда фаолият юритган Абдукарим Абдурахмонович кўлига қалам олар экан умри давомида кўрган-кечирган воқеа-ҳодисалардан чиқарилган ҳаётий фалсафаси, тажрибалари ва тарбиявий ўғитларини баён этган. Шу билан бирга Сурхон воҳаси ҳаётига дахлдор воқеа-ҳодисалар, биронта тўппамда тўлиқ ёритилмаган табаррук қадамжолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтгани ушбу китобнинг Сурхондарё ва сурхондарёликлар тарихига дахлдор муҳим манба, нодир қўлланма сифатида ўқувчилар қалби-

дан жой олиши шубҳасиз.

Китоб тақдими сўнгиди муаллиф ўзларининг дил сўзлари ва фикр-мулоҳазаларини билдирганларга ва китобни сифатли тарзда нашрдан чиқарган нашрига миннатдорлик билдирди.

ЖУРНАЛИСТЛАР ЗАМОНАВИЙ СТУДИЯ БИЛАН ТАНИШДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими ташаббуси билан вилоят телерадиоканали давлат муассасасининг янги биносига пресс-тур ташкил этилди.

Гулистон шаҳри марказида барпо этилган янги телевидение мажмуасига қадам қўйган ҳар бир киши ўзини замонавий ижодий муҳитда ҳис қилади. Ёруғ ва кенг студиялар, Германияда ишлаб чиқарилган ёриткичлар дейсизми, рақамли



форматдаги эфирга узатиш имконига эга монтаж ва овоз ёзиш хоналари — барча-барчаси ахборот майдонида янги қадам ташланганидан далолат беради.

— Бугун каналимиз кунлик 18 соатлик эфир ҳамда 16 соатлик радиоэшиттиришларни амалга оширмоқда, — деди муассаса директори Зафар Дархонов. — 1996 йил 15 декабрда илк бор эфирга чиққан Сирдарё телевидениеси шу йиллар мобайнида қатор босқичларни босиб ўтди.

Энг асосийси, турли жанрдаги кўрсатувлар, жумладан, тўғридан-тўғри эфир дастурларини тайёрлаш имконияти яратилди.

Журналистлар монтажхоналаридаги иш жараёнларини кузатиб, замонавий техника орқали тез ва сифатли махсулот тайёрланаётганига гувоҳ бўлдилар.

— Янги мажмуа нафақат кўрсатувлар сифатини оширди, балки тўғридан-тўғри эфир имкониятларини ҳам очди, — деди муассаса раҳбарининг ўринбосари Нодир Норқулов. — Асосийси, замонавий студиядан жонли эфирга узатилаётган “Юзма-юз” ва “Тўғридан-тўғри” каби дастурлар кўрсатувларнинг рейтингини кўтариш билан бирга, томошабин билан янада яқинлашиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда 50 нафардан зиёд ходим меҳнат қилаётган жамоада Муқаддас Ҳақимова, Ниғора Имомқулова, Нилуфар Ҳайиталиева, Дилором Қаюмова, Азизхон Эшонхонов каби журналистларнинг фаолияти алоҳида эътироф этилди. Чунки улар тайёрлаётган кўрсатувлар маҳаллий ҳаёт, инсонлар орзулари ва муаммоларини кенг қамраб олмақда.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Бойжигит Абдуллаев бундай таширфларнинг аҳамияти ҳақида шундай деди:

— Бундай учрашувлар журналистика соҳасини ривожлантиради ва тажриба алмашиш имконини беради. Энг муҳими, ижодий ҳамкорлик ва дўстона муҳит мустаҳкамланади.

МАҲОРАТ МАКТАБИ МАШҒУЛОТЛАРИДА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими қошида ташкил этилган “Ёш телерадио бошловчилар” маҳорат мактаби

тингловчилари вилоят телерадиоканали муассасасида “Ёшларнинг бошловчилиқ, нотиклиқ малакасини ошириш” мавзусидаги маҳорат машғулотларида қатнашдилар.



Унда уюшма вилоят бўлими раиси Ў.Матқурбанов Хоразм вилоят телерадиоканали бош режиссёри Шавкат Ибрагимов, тажрибали телебошловчи Латофат Юсуповалар кун давомида маҳорат мактаби тингловчилари билан бирга бўлишди.

Тажрибали телебошловчи Латофат Юсупова келгусида телерадиоканалларда ишлаш орзусидаги ёшларга телебошловчиликнинг ҳам ўзига хос сир-синоатлари, талаблари борлиги ҳақида тушунчалар бериб ўтди.

Самимий суҳбат ва савол-жавоб тарзида кечган учрашув машғулотлар билан улашиб кетди. Машғулотлар давомида маҳорат мактаби тингловчилари студиялардаги иш жараёнида қатнашиб, кўникмага эга бўлдилар.

СЎЗИ БОР ЖУРНАЛИСТ ЭДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими ҳамда Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида Республика Маънавият ва маърифат маркази Тахиятов туман бўлимида Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, марҳум Жолдасбай Нуриллаевнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган хотира кечаси ташкил этилди.

Тадбирда марҳум журналистнинг ҳамкасблари, шоғирдлари ва оила аъзолари иштирок этиб, унинг Қорақалпоғистон журналистикасини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини, кадрлар тайёрлашда қилган меҳнатларини, инсоний фазилатларини ёдга олиб, хотирлашди.

Жолдасбай Нуриллаев 1950 йил 4 июнь кўни Хўжайли туманидаги Саршунгил овулида таваллуд топган эди. Меҳнат фаолиятини 1969 йилда радио эшиттиришларини тайёрлаб, сўнгра туман газетасида адабий ходим, масъул котиб, “Еркин Қарақалпақстан” газетасида махсус мухбир, бўлим бошлиғи бўлиб самарали меҳнат қилганди.

Ж.Нуриллаев 1985-1987 йилларда Бўзатов туманида янгидан ташкил этилган “Ылғаллы мийнет” газетасига раҳбарлик қилди. Кейин “Жеткиншек” газетаси бўлим мудири, Тахиятов тумани радиоси масъул муҳаррири, “Халық дауысы” газетаси бош муҳаррири лавозимларида самарали ишлади. У Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси эди.

— Устоз ҳақида бугун замондошлари, ҳамкасблари, биз каби шоғирдлари жуда кўп хотираларни эсплашдик. Устоз ўз айтар сўзи, услубига эга журналист эди, — деди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими раиси Давуд Абибуллаев. — У киши “Журналистика соҳаси билан ижод доим ёнма-ён бўлиш керак”, дер эди. Устознинг “Туйғулар тилсими”, “Сумалак”, “Жаслык лирикаси” каби қорақалпоқ ва ўзбек тилларида бир қатор назм ва насрда ёзилган китоблари чоп этилган.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.



ОРЗУЛАР ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН КУНЛАР

“Энг улуғ, энг азиз” кўрик-танлови ғолиблари муносиб тақдирланди

1-6

У Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййидга Президент Фармони билан “Эл-юрт хурмати” ордени берилганини олиқшлади. Ижодкорларга юксак эътибор бераётгани учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди.

Олий Мажлис Сенати аъзоси, “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталари бош муҳаррири кўни кеча Президент Фармони билан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” унвонига сазовор бўлган Хусан Эрматов ҳам ғолибларни тақдирлар экан, бундай эътибор учун мамлакатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдирди.

“Публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун” номинацияси бўйича Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, раҳматли Соҳибжон Алижонов ҳақида чоп этилган “Соҳибжон Алижонов. Бизни қаритолмас йиллар, замонлар” китоби ғолиблар қаторида эълон қилинганида залдагилар қарсак чалиб юборишди.

Ушбу китоб тақдимотида қатнашганимда ҳам жуда таъсирланган эдим. Бугун саҳнага марҳум журналистнинг аёли ва фарзандларини чиққанида ҳам шундай тўлқинланиб кетдим. Ҳакамлар ҳайъатининг бу қарори ҳам адолатли бўлибди. Ўтганлар руҳини шод этиш катта саваб.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдурашид Йўлдошев, “Шухрат” медали соҳибаси, хонанда Ҳилола Ҳамидова дилрабо кўшиқлари билан ғолибларни қутлашди.

Тадбирдан қайтар чоғим “Тасвирий санъат, фото ва дизайн ишлари” номинацияси ғолиби Назира Боймуродова ўзи ёзган шеърини берди. Ундаги куйидаги сатрларга эътибор қаратинг-а:

*Яшайпман шу Ватанда эркин ва хур,
Яшайпман кўлда қалам, дилда ғурур.
Яшайпман садоқатим қалбимдадур,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун!*

*Сарҳадларин одим-одим кезарман,
Димоғимда тупроқ тафтин сезарман.
Бир гул бўлиб боғларини безарман,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун!*

*Кунни тунга, тунни тонгга улайман,
Орзуларни беланчакка белейман.
То тирикман, юртим дея яшайман,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун!*

Дарҳақиқат, энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ана шундай номдаги танлов ғолибларини тақдирлаш тадбири жуда файзли, кўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

Дилмурод КИРҒИЗБОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрами муносабати билан ўтказилган

“ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ” анъанавий кўрик-танлови республика босқичи ғолиблари

1-6

3-ўрин
Улуғбек ЖУМАЕВ — “Фермер” иқтисодий-ижтимоий журнали бўлим муҳаррири.

Мустақиллик берган имкониятлар ва табиатни авайлаб асраш, экология мавзусидаги долзарб мақолалари учун.

“ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО ИЖОДКОРЛАРИНИНГ ЭНГ ЯХШИ МАТЕРИАЛЛАРИ” НОМИНАЦИЯСИ БЎЙИЧА:

1-ўрин
Саятхан ЖУМАНАЗАРОВА — ЎзМТРК “Қорақалпоғистон” телеканали “Ижтимоий сиёсий ва иқтисодий дастурлари” бош муҳарририятининг катта муҳаррири.

Республикамизда Янги Ўзбекистон даврида маънавий ҳаётимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар, санъат, адабиётимизда истиқлол шарафати ила яратилаётган ажойиб ижодий муҳит, халқимизнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтиришга қаратилган туркум кўрсатувлари учун;

2-ўрин
Нурзо ВОХИДОВ — “Зўр ТВ” телеканали “Бу кун” янгиликлар дастури муҳбири.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим ислохотлар, сайловлар жараёни, маҳалалардаги ўзгаришларга оид репортаж ва лавҳалари учун;

3-ўрин
Турдикул НОРМАТОВ — Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти ахборот хизмати раҳбари.

Ёшларни миллий истиқлол гоёси ва она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга оид мавзулардаги туркум таҳлилий телерепортажлари ва “Ёнигдаман” номли радиоэшиттиришлари учун.

“ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ” НОМИНАЦИЯСИ БЎЙИЧА:

1-ўрин
Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) Сиёсат ва янгиликлар таҳририяти бўлими мудири.

Мустақиллик ғоялари ва имкониятлари ҳақидаги туркум материаллари учун;

2-ўрин
Инобат АҲАТОВА — “Oyina.uz” портали бош муҳаррири.

Ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий-маърифий мавзулардаги материаллари учун;

3-ўрин
Рашид ХУЖАМОВ — “Янги Ўзбекистон” газетаси ва “Yuz.uz” интернет нашри муҳбири.

Таълим, фан ва маданият соҳаларига оид долзарб танқидий-таҳлилий материаллари учун.

“ПУБЛИЦИСТИК ЖАНРДАГИ ЭНГ ЯХШИ КИТОБ УЧУН” НОМИНАЦИЯСИ БЎЙИЧА:

1-ўрин
Зулфия МЎМИНОВА — “Кексалик гашти” журнали масъул муҳаррири.

“Бу кунларни шеър қил, шоирим” (публицистик мақолалар) китоби учун;

2-ўрин
Соҳибжон АЛИЖОНОВ (марҳум) — Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

“Соҳибжон Алижонов. Бизни қаритолмас йиллар, замонлар” китоби учун;

3-ўрин
Феруза АДИЛОВА — “Тонг юлдузи” газетаси бош муҳаррири.

“Тонг юлдузи” ёритган олам” (1-, 2-жилдлар) китоблари учун.

“ЁЗУВЧИ ВА ШОИРЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИ БАДИИЙ АСАРЛАРИ” НОМИНАЦИЯСИ БЎЙИЧА:

1-ўрин
Норқобил ЖАЛИЛ, Рўзимбой ҲАСАН — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари.

“Генерал Журабек: давр ва қисмат” тарихий-хужжатли китоби учун;

2-ўрин
Муҳиддин ОМОН — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

“Мардлар мангу яшайди” балладаси учун;

3-ўрин
Дилфуза КАМОЛЖОНОВА — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

“Буюклар болалиги” туркумидаги “Бибиҳоним кашф этган юлдуз” номли тарихий-бадиий қиссаси учун.

“ТАСВИРИЙ САНЪАТ, ФОТО ВА ДИЗАЙН ИШЛАРИ” НОМИНАЦИЯСИ БЎЙИЧА:

1-ўрин
Мурод ГУЛЯМОВ — Тошкент вилояти “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси бошқарув раиси.

“Мустақиллик — Янги Ўзбекистоннинг мустақкам асосидир” мавзусидаги дизайнлик ишлари учун;

2-ўрин
Назира БОЙМУРОДОВА — Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, фоторассом.

Янги Ўзбекистон бунёдкорлари акс эттирилган туркум фотосуратлари учун;

3-ўрин
Рушана АЛИМОВА — Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси.

“Парвоз”, “Тонгги уйку” номли тасвирий санъат асарлари учун.

“КИНО САНЪАТИ АСАРЛАРИ” НОМИНАЦИЯСИ БЎЙИЧА:

1-ўрин
Абдутолиб АДАМҚУЛОВ — кинорежиссёр.

“Пандемия. Ковид-19” номли тўлиқ метражли бадиий фильмдаги режиссёрлик иши учун;

2-ўрин
Абдулатиф ҲАЙДАРОВ — “Ўзбекистон анимацион студиялар ассоциацияси” ННТ бошқарув раиси.

“Буюк боболарим болалиги” туркуми остидаги анимацион фильмлар тўппамидаги режиссёрлик иши учун;

3-ўрин
Саидаълоҳон МАЪСУДХОНОВ — кинорежиссёр.

“Вали Ғафуров. Иена билан ёзилган роман” хужжатли фильмдаги режиссёрлик иши учун.



✓ **ҚУТЛОВ**

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ



мамлакатимиздаги барча журналистлар ва
ОАВ вакиллари, соҳа фахрийларини

1 сентябрь – Мустақиллик куни билан табриклайди!

Сиз азизларга узоқ умр, бахт-саодат,
иждод ва изланиш бахтини тилайди.

Янги Ўзбекистонда сўз ва матбуот эркинлигига
эътибор, иждод аҳлига ғамхўрлик туфайли Сўз
кадри, адолат ва холислик мезонининг ўрни янада
мустаҳкамланаверсин.

Истиклолимизнинг қутлуғ 34 йиллик шодиёнаси
барчамизга муборак бўлсин!

✓ **ХОТИРА**

Мақтабда ўқиб юрган кезларим академик Тошмуҳаммад Саримсоқов ҳақида эшитиб ҳайратга тушганман (собиқ мустабид тузум даврида ўзбек олимлари ҳақида мақолалар йўқ ҳисоби эди-да). Соддадил ёшлик давримдаги орзуларимдан бири — шундай буюк олимлар, шоир ва ёзувчиларни кўриш, суҳбатидан баҳраманд бўлиш эди. Ишонасизми, бу орзуга 1993 йили “Ўзбекистон овози” газетаси таҳририятида ишлаб юрган кезларда эришдим.

Ўша даврда академик Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқов ҳозирги Амир Темур хиббонидан нарироқда мўъжазгина ховлида турар экан. Ийманиб-гина борганимда улуг сиймо очик чехра билан кутиб олди. Ичкарига кираётиб, учта хонасига разм солдим: шифтигача тўла китоблар. Баъзи кутубхоналарда ҳам шунча китоб бўлмаса керак. Ҳаммаси жавонларга расамади билан тахлаб қўйилган. Иш столида қалин-қалин китоблардан бир нечтаси очиб қўйилган. Чамаси, домла қандайдир илмий тадқиқот билан машғул эди.

Оддийлик — энг буюклик тимсоли, деган нақлга ўшанда тан берганман. Дунёга доғручи дoston бўлган академикнинг юзидан нур ёғилиб туриши, гап-сўзлари шу қадар оддий, самимий эдики, ҳар қандай кишини ўзига мафтун этиб қўярди. Суҳбатдошимнинг майингина сўзлашига маҳлиё бўлиб ўтирар эканман, қани эди шу сиймодан барча ёшлар ибрат олса арзийди, деган ўй хаёлимда чарх урарди.

Ўшанда аллома устоз билан суҳбат асосида ёзилган ва “Ўзбекистон овози” газетасида ёритилган мақола кўпчилида қизиқиш уйғотганди. У илм чўққилари сари интилаётган бугунги талабаларимизда ҳам қизиқиш уйғотди, деган умиддамиз.

Бошига дўппи кийиб, елкасига тўн ташлаганча маърифатхонасида бир зум хаёлга чўмган, нигоҳлари описларга қадалган бу инсон суратига разм солсангиз, ажиб сийратини англагандек, ҳис қилгандек бўласиз. Ҳаётини илму фанга бахш этган аллома фаннимизнинг эртанги уфқлари ҳақида ўйлаётган бўлса, не ажаб... Физика-математика фанлари соҳасида ўзига хос катта мактаб яратган заҳматкаш олим, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Тошмуҳаммад Саримсоқов ҳаммаша ана шундай эзгу хаёллар оғушида ўтирарди. Қаҳрамонимиз суратини ўзгача изоҳлаш мумкин.

Хўрматли устоз билан бақамти суҳбатни ушбу суратга тушаётган кезде хаёлидан қандай ўйлар кечгани ҳақидаги савол билан бошладик.

— Очиғи, фотомухбир Б.Молгачев келиб, суратга тушироқчи эканини айтганида, хаёлимдан улуг аждодларимизнинг беқийс мероси ҳақидаги фикрлар ўтаётган эди, — деди Тошмуҳаммад Алиевич. — Суратга атай “ясама” тушганим йўқ. Ҳаётимда энг ёмон кўрганим — ясамалик. Иш устидаги оддий ҳолатимни суратга олишда фото-

мухбир ҳам қийналмаганди, шекилли.

Келинг, ўшанда ҳам, ҳозир ҳам хаёлимни банд этган фикрлар хусусида гаплашайлик. Биласизми, жаҳон илм хазинасига жуда улкан ҳисса қўшган буюк бобокалонларимиз Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи ва бошқаларнинг меросини чуқур ўрганиш дунёнинг сирини синоатидан воқиф бўлишга, улкан кашфиётлар қилишга, фан-техникани ривожлантиришга хизмат қилган. Зотан, Шарқ алломалари илмий тафаккурлари самарасини кўплаб ривожланган араб давлатлари тимсолида ҳам кўриш мумкин, десак, муболага бўлмайди! Биз эса узоқ йиллар ўз ўтмишимизга, бобокалонларимизнинг бой меросига бефарқ қараб келганмиз. Фақат кези келгандагина уларнинг номларини санашга ўрганиб қолган эдик...

Қизиқ бир воқеа ёдимдан чиқмайди. Қайсидир йили Европа бўйлаб саёхатга чиқиб, қайтишда Истанбулга тўхтаб ўтдик. Аё София мадрасасида бўлдик. Ҳозир у тарих музейига айлантирилган. Ўшанда

роқ бўлармиди! Жаҳонгир Амир Темур бобомизнинг салтанати, ўша даврда дунёни лол қолдирган давлат парчаланиб, хор-у зор бўлмасмиди! Хонликларга бўлиниб кетган юрт пешволари пайти келиб оддий зам-баракларни йилдиратиб келишган босқинчиларни кўрганда таҳликага тушмасмиди!..

Минг қатла шукри, тарих йилдирати халқимизни яна рўшноликка олиб чиқди! Мустақил Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда. Республикамиз ҳам ривожланган илгор мамлакатлар қаторидан ўрин олишига умид уйғонмоқда.

Суратга чизгилар асносида улуг замондошимиз, аллома Тошмуҳаммад Саримсоқовнинг ҳам ажиб сийрати кўз олдимда намоён бўла бошлади.

Тошмуҳаммад Алиевич 1915 йилда Андижон вилояти Шахрихон қишлоғида таваллуд топган, ўша даврлардаги турли ғалаёнларни ўз кўзи билан кўрган. Қўқондаги мактаблардан бирида 8-синфни битирган, 1931 йил июль ойида Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети) тайёролов бўлимига кирган

ўз ишини давом эттиради. Анжуманнинг математика секциясида Тошмуҳаммад Саримсоқов биринчи илмий тадқиқотлари натижаси ҳақида маъруза қилади. Бу ёш олимнинг улкан илм даргоҳидаги дадил қадмларидан бири эди.

Номзодлик диссертацияси мавзуи “Иккинчи тартибли дифференциал тенгламалар ҳақлари ва баъзи алгебраик тенгламаларнинг асимптотик ечими” эди. Бу илмий иш 1938 йил май ойида аъло даражада ёқланган, Олий аттестация комиссияси унга физика-математика фанлари номзоди илмий даражаси ва доцентлик унвонини беришга қарор қилди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганида Тошмуҳаммад Саримсоқов ҳарбий хизматга қабирилган бўлса-да, ҳар қалай, илмий изланишларини давом эттиришга имкон бўлади. У Ўрта Осиё ҳарбий округининг Тошкентдаги метеорология қисмида хизмат қилган. Ўшанда ўзига бироз янги соҳа бўлган синоптик харитани тўлдириш ва унинг устида ишлаш билан шугулланди. Об-ҳавони олдиндан айтиб бериш илмига жуда қизиқиб қолди. Марков занжири устида

фатида физика-математика фанларини ривожлантириш ва бу соҳада ёшларга мураббийлик қилиш ташкил этди. 1952 йилда ТошДУга ректорликка қайтиб келган, тақдирни қарангки, 1959 йилда яна бу лавозимни тарқ этишга тўғри келганди. У 1959 йилда республика Министрлар Совети қошидаги Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари давлат комитетига раислик, сўнгра, комитет вазирликка айлантирилган, 1960 йилдан вазир лавозимида фаолият кўрсатди.

1971 йил май ойида учинчи марта жонажон университети ректорликка қайтди ва 1983 йилнинг ёзига қадар ўзи учун энг муқаддас ва шарафли вазифани адо этди. Сўнг табаррук устоз Ўзбекистон Фанлар академияси президиумида маспахатчи сифатида фаолиятини давом эттирди. Биз суҳбат қурган ўша чоғда етмиш саккизинчи баҳорини қаршилаётган бу мўътабар инсон чехрасида ҳамон ёшлик шижоати акс этиб турарди.

Академик Тошмуҳаммад Саримсоқовнинг “Ҳақиқий ўзарувчининг функциялари назарияси” дарслик китоби 1968 йилда “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилган. 1982 йилда қайта нашр қилинган. “Марков процессларининг асоси” деб номланган рус тилидаги кўпланмаси эса 1954 йилда Москвада нашр қилинган эди. Шунингдек, у кишининг “Функционал анализ курси” дарслик китоби 1980 йилда, “Квантлӣ эҳтимоллар назариясига кириш” деб номланган йирик илмий рисоласи 1985 йилда яратилган. Эсдаликлар ва хотиралардан иборат “Ҳаёт довоплари” китоби 1989 йилда нашр этилган.

Халол меҳнатлари туфайли алломанинг қўқсини қатор ордено ва медаллар беаган. Икки марта Беруний номидаги давлат мукофоти ҳамда Меҳнат қаҳрамони деган юксак номга мушарраф бўлган.

Ҳар қандай бахт шахсий бахтдан бошланади, деган гап бор. Илму маърифатда юксак довопларни элган аллома Тошмуҳаммад Алиевич муносиб оила бошлиги ҳам эди. Рафиқалари Турсунной ая билан фарзандлари камолдан мамнун ашамоқдалар. Ўғиллари Бахтиёр билан Олимжон ота изидан боришиб, математика фанлари номзоди бўлишган, Равшан эса тарих фанлари номзоди. Дилбар ҳуқуқшунослик бўйича университетда инглиз тилидан дарс беради. Рустам ҳам ҳуқуқшунослик касбини танлаган.


Атоқли олимни 1995 йил 17 декабрь кунни сўнаги манзилга кузатдик... Юртимиз мустақиллиги шарофати билан буюк олим вафотидан кейин 2002 йилда “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди.

10 сентябрь Тошмуҳаммад Саримсоқов таваллудига ропла-роса 115 йил тўлади. Ўзбек илм-фанида, Ўзбекистон Миллий университети тарихида ерқин из қолдирган атоқли алломанинг бетакор илмий мероси асрлар оша ману яшаверади.

Тўлқин ЭШБЕК,
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
доценти.

АЛЛОМА

Академик Тошмуҳаммад Саримсоқовни ёд этиб



академик В.П.Щеглов шундай бир гап айтдики, бу улуг бобокалонимиз Мирзо Улуғбекнинг мероси тақдир билан боғлиқ эди. Айтишларича, Мирзо Улуғбек ўлдирилган, унинг кўплаб нодир асарлари, қўлёзмаларидан иборат илм хазинасини содиқ шоғирди Али Қушчи Истанбулга олиб келган. Ўзи бу ердаги мадрасаларда мударислик қилган ва устозининг хазинасини кўз қорачиғидек асраган. Али Қушчи оламдан ўтган, Улуғбек хазинасини англиялик бир сайёх Лондонга олиб кетган. Ана шу хазина ҳозир ҳам Лондондаги “Британ” тарихий музейининг Шарқ бўлимида сақланаётган бўлиши мумкин...

Демоқчиманки, биз энди улуг алломаларимизнинг бой меросини мукамалроқ ўрганишимиз, ёш авлодга ҳам бу ҳақда сабоқ беришимиз зарур. Айни вақтда жаҳоннинг илгор фан-техникаси, юксак даражада тараққий этган технологияси сирини синоатини ҳам тезроқ ўзлаштириб олмоғимиз ва пировардида республикаимизни чинакам тараққиёт погонасига кўтармоғимиз керак.

У кишининг описларга тикилган нигоҳларида шундай эзгу мақсадлар, ўйлар мужассам. Беихтиёр ўйлаб қолсан киши, улуг бобокалонимиз Мирзо Улуғбекнинг илм соҳасидаги беназир ишларини давом эттирувчи олимлар кейинги асрларда ҳам салмоқли даражада бўлганида, илм-фан узлуқсиз равишда ривожлантирилганида юртимиз ҳозиргидан-да гўзал-

ва ўша йили сентябрь ойида физика-математика факультети қабул қилинади. Қўнг билан ўқиб, ҳар қандай масалани тул илдизларига тушуниб етмағунича жиддий изланишни одат қилди.

Бўлғуси олим 4-курда ўқиб юрган кезларидаёқ мураббийлик фаолиятини бошлашга тўғри келган. 1-2-курс миллий гуруҳ талабаларига дарс берган.

— Ўша даврларда миллий кадрлар жуда кам эди-да, — деб хотирлаган эди Тошмуҳаммад Саримсоқов. — Иккинчи томондан, профессор Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий республика Маориф Халқ комиссари этиб тайинланган, унинг ўрнига ҳам дарс ўтишим зарур бўлган. Тақдирни қарангки, кези келганда мен профессор Қори-Ниёзийнинг докторлик диссертацияси ҳимоясида оппонент сифатида қатнашганман. Докторлик ишига ўзи томонидан битилган оддий дифференциал тенгламалар дарслик китоби асос қилиб олинган. Қори аканинг мазкур китобига ҳам ўзим муҳаррирлик қилганман...

1936 йили Тошмуҳаммад Саримсоқов “Классик ортогонал кўпҳадлиларнинг илдизлари” мавзусидаги диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилган, кузда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон олимларининг 1-съездида қатнашиш шарафига мушарраф бўлади. Съезднинг очилиш маросимида Ўзбекистон халқ Комиссарлари Советининг Раиси Файзулла Хўжаев нутқ сузлайди. Сўнг илмий анжуман

иш олиб борди. Бир гуруҳ муаллифлар иштирокида “Ўрта Осиё осмонининг синоптик процесслари” деган йирик рисола таҳририда қатнашди.

“Ҳолатлари санокли бўлган тасодифий процессларга оид” мавзусидаги докторлик диссертациясини 1942 йилнинг май ойида ёқлади. Ҳимоя маросими тугаши биланқисм уни ҳарбий қисмга навбатчиликка жўнатишди.

Ҳар қандай курашлар силсиласида згулик сари интилиш устувор бўлади. Ватан тақдирини ҳаёт-мамоти учун шиддатли жанглр кетаётган бир пайтда ҳам мамлакат ичкарисида илмий изланишлар, янги-янги кашфиётлар яратиш давом этарди.

1943 йилнинг март ойида Тошкент давлат университетига ректорликка тайинланган Тошмуҳаммад Саримсоқовга бу лавозимда узоқ ишлаш насиб этмади. Ўша йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Фанлар академиясини ташкил этиш тўғрисида қарор чиқди. Хўрматли олим ҳам Академиянинг биринчи таъсис таркибига киритилган эди. Шундан сўнг Фанлар академиясининг умумий мажлисида у биринчи вице-президент лавозимига сайланди. 1946 йилнинг ёз ойларида эса Академиянинг умумий мажлисида Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти этиб сайланади.

Республикаимизнинг биринчи академикларидан бири, таниқли олим Тошмуҳаммад Саримсоқов меҳнат фаолиятининг асосий қисмини фан арбоби си-

✓ **ЯХШИЛАРНИ ЭСЛАБ**

ЎЗБЕКИСТОН РАДИОСИ УНИНГ УМР МАЗМУНИ ЭДИ

ёки таниқли ёзувчи, машхур журналист
Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ ҳаёт йўлига бир назар

Тарихимиздан маълумки, ўттинзинчи йилларнинг бошларида халқимиз энг оғир кунларни бошидан кечирган, турмуши ўта очор аҳволда эди. Айримлар катакдай ҳовлисидаги бир қарич ерида етиштирган арпа ёки жүхориси билан бола-чақасини аранг боқшарди. Шунга қарамай, улар илмга ўта чанқоқ бўлишган. Ўша йиллари Фарғона водийсининг шаҳар ва қишлоқларида саводсизликни, шунингдек, чаласаводликни тугатиш ҳаракати бошланиб, мактаблар ташкил этишга киришилган. Бу мактаблар хонадонларда, бойларнинг катта ҳовлисида очилиб, СБ, ЧБ мактаблари деб аталар эди. Қолаверса, бу мактабларда маърифатчи зиёлилар юртдошларининг савод чиқаришлариغا яқиндан ёрдам беришган.

Наманган шаҳрининг Ҳожибой совунгузар маҳалласида бойлардан бирининг катта ҳовлисида ана шундай мактаб ташкил қилиниб, кундуз кунлар аёллар, кечки пайтда эркаклар ўқишган. Эркакларга Мухиддин Абдуллахонов, аёлларга у кишининг умр йўлдошлари Шахрибону дарс беришган. Дарслар янги “Алифбе” бўйича олиб борилган. Бу икки зиёлига Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан бир кунда халқ ўз шоири деб билган Мухаммадшариф Сўфизода, таниқли маърифатпарвар шоирлар Рафикий, Холиқий, Маорифий, Олим Шамши каби зиёлилар тез-тез келиб, кўмак беришган, Тошкентдан ташриф буюрган маърифат, маданият ва санъат ходимларини тақлиф қилиб, мактабда қизиқарли учрашувлар уюштиришган. Айниқса, машхур шоир Мухаммадшариф Сўфизода бошлиқ кўплаб маърифатпарварлар Абдуллахоновлар оиласида бўлиб, узоқ суҳбат қуришар, дутор чалиб, қўшиқ айтишар, жүровоз бўлиб “Чаманзор”, “Йўл бўлсин”, “Омон ёр” сингари ўша давр қўшиқларини қўйлашарди.

Мухтарам ўқувчи, мен ҳикоя қилмоқчи бўлган ажойиб инсон ана шундай оилада, қизгин маданий жараёнда ўсиб, камолга етди. У ана шу кезларда эндигина мактабнинг бошланғич синфига қадам қўйган, аллома-отакхонларнинг гурунгида баҳраманд бўлган бола эди. Зийрак болакай йиғилган маърифатпарварларга дастёрлик қилиб, чой ташир, қўлига обдаста, чилопчин, елкада сочик билан уларнинг кўплагига сув қуяр, икки қўлоғи эса уларнинг ҳар бир сўзларини диққат билан тингларди.

Кунларнинг бирида устоз Сўфизода ташаббуси билан миллатпарвар, илм ахлининг жонқури, зукко шоир Элбек (Машрик Юнусов) Абдуллахоновлар оиласида меҳмон бўлади. Катталарга мулозамат кўрсатиб, бийрон тили билан салом-алик қилиб юрган чаққон болажон алломанинг диққатини тортади.

- Бу ёққа кел-чи, кимнинг ўғлисан?
- Дадамнинг.
- Дадаг ким бўладилар?
- Дадамнинг отлари Мухиддинхон.
- Э-э-э! Баракалло, ўзимизнинг Абдуллахоновнинг ўғлиман дегин.

Элбек домла мамнун Сўфизодага кўз ташлайди. Ёши ҳаммадан улуғ бўлган устоз шоир болакай ҳақида сўзлаб кетади:

- Бу Мухиддинхоннинг учинчи фарзанди, Жуҳут маҳалласидаги 21-бошланғич мактабда ўқийди. Ўзиям аълочи, ҳозирдан шеърлар машқ қилади.
- Баракалло! Исмингни айт-чи, яқинроқ танишиб олайлик.
- Отим Жонрид, — ийманиброқ жавоб қилади болакай.
- Ие, сенга бу исми ким қўйди?
- Билмадим.

- Бу исмга камина ҳам бироз айбдор, — дея устоз Сўфизода аниқлик киритади. — Ўша пайтда америкалик ёзувчи Жон Риднинг Наби Алимўхамедов таржима қилган “Ер юзини титратган ўн кун” китоби чоп этилган эди. Шу китобни ўқиб учун Мухиддинхонга совға қилган кунлари унинг хонадонида ўғил туғилади. “Устоз бу китобни бекорга бермаган, бир ҳосият бўлса керак”, деган ўй билан ўғлига шу исми қўйган экан.

Элбек домла бу гапдан ранжиб: “Чакки қилибсизлар, ўзимизда ажойиб исмлар бор-ку! Исм-шариф ҳам кишининг қайси миллатга мансублигини англайти туради. Ранжишмининг боиси шуки, бу ном болага кўп озор етказиши мумкин. Момколда ўтирган даҳо (Сталин демоқчи)га бу ном ҳеч қачон ўшир келмаган. Ҳа, майли, ўқигин, мактабни битириб, Тошкентга боргин. У ерда таълим олиш билан бирга адабиёт ахлига қўшилсанг, ниятингга етасан, — дея бошини силаб-сыйлаб ўғит беради.

Йигирманчи асрнинг қирқинчи йиллари фараҳбахш онлар завқ-шавқи билан яшаётган бу оила бошига тўсатдан қайғули кунлар тушди. Иккинчи жаҳон урушининг кулфатлари барча қатори Абдуллахоновларни ҳам четлаб ўтмади. Кўплаб ёшларга таълим бераётган ва саводсизликни тугатишга катта ҳисса қўшган оиланинг кўрғонбошиси Мухиддинхон ҳам жангга отланди. Орадан кўп ўтмай, почтачи бу хонадонга “қора хат” кўтариб келди. Унда отаси Курск остонасидаги жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлгани тўғрисидаги шум хабар битилган эди. Оила ташвиши, икки ўғил ва бир қизининг тарбияси муштипар Шахрибону ая елкасига тушади.

Ўша йилларда бошланган етишмовчиликлар онахоннинг ҳам тинқасини қуритди. Уч нафар бола она-сидан ҳам жудо бўлиб, куни кеча гавжум бўлиб турган кенг ҳовли ҳузуллаб, ўзлари етим бўтадек кўзларида шашқатор ёш билан қаерга боришини билмай қолишди. Зийрак ва тийрак бўлиб ўсган, ўрта мак-

табни эндигина тугатиб, иссиқ-совуқнинг фарқига борадиган Жонрид опасига йиғлаб ўтиришдан нажот чиқмаслигини, ҳар ким ўз йўлини топиш учун курашмоғи кераклиги тўғрисида маслаҳат солди. Етимларга ҳам оталик, ҳам оналик қилаётган опаси унинг маслаҳатларига қўлоқ солди. Ёш болакай елкасига халта-хуржунини ташлади-да, таваккал қилиб йўлга тушди. Поезд йўли ёқалаб боши оққан томонга кетаверди. Куз ойлари қаҳратон қиш кунларига уланди. Сарсон-саргардонликда уч ойдан зиёд йўл босди. Яхши инсонларнинг бир бурда нонидан баҳраманд бўлиб, йўл юрса ҳам мул юриб, азим Тошкентга етиб келди.

Ўша кезлари қадимий шаҳарда ҳам аҳвол очор эди. Бироқ унинг тақдирига Ўзбекистон радиоси ёзилган экан, шу ердан паноҳ топди. Бу Иккинчи жаҳон уруши нихоёсига етаётган, одамлар бир бурда нон учун дўконлар ёнида эрта тонгдан кечгача навбат кутаётган очарчилик ва қаҳатчилик авж олган кунлар эди. Бироқ Ўзбекчиликда оғир кунларда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган меҳр-қибат Жонриднинг жонига ҳам ора кирди. Радионинг жонқуяр ходимлари ўзларининг одамгарчиликларини дариг тутмадилар. Норасида Жонридни бағирларига олиб, мурувват ва саховат кўрсатдилар. Ўз навбатида Жонрид ҳам уларнинг хизматини қилди, катталарнинг меҳрини қозонди. У радиога ишлаб юриб, 1950 йили САГУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика бўлимида таҳсил ола бошлади. Кунларнинг бирида машхур хонанда Файзихон опа Мирзажонова Жонриднинг аҳволидан хабар топиб, уни уйда яшашга таклиф этди. Опанинг таклифи қувонч билан қутиб олинди.

Жонрид Абдуллахонов бу хонадонда яшаган йилларини мамнуният билан эслар эди.

— Файзихон опа менга оналарга хос меҳр билан қарарди, — дея бот-бот тилга олар эди у. — Бу хонадон доимо буюк санъаткорлар, машхур ёзувчилар билан гавжум бўлиб, адабиёт, санъат, Ўзбекистони-мизнинг келажаги ҳақида суҳбатлашар ва уларнинг гурунглари ярим тунгача давом этарди. Бундай учрашувларда Юнус Ражабий, Дони Зокиров, Ҳалима Носирова, Комил Яшн, Берта Давидова, Миртемир домла, Уйғун, Туроб Тўла ва бошқа адибу санъаткорлар иштирок этар эди. Ҳатто устоз Абдулла Қаҳҳор ҳам қадам ранжида қилиб, суҳбатларга жон киритганларини кўрганман. Шунинг учун бу хонадонни яшаш қўлбаси эмас, бадийятга йўлланган мўътабар даргоҳ деб ҳисоблайман. Ахир мурғак қалбимда куртак отаётган ижодийётимнинг гўначалашига ҳамда гуллашига бундай алломаларнинг суҳбатлари катта туртки бўлган-да! Ўша даврда болалар газетасида босилган биринчи шеърим — “Менинг моделим” ҳам устоз Абдулла Қаҳҳор назаридан ўтган.

Ж.Абдуллахоновни катта адабиёт йўлига чорлашда болалар учун эшиттиришлар тахририятининг бош муҳаррири ва унинг асосчиси Ҳаким Назирнинг хизматлари ҳадсиз, беқиёсдир. Беназир ёзувчи унинг Намангандан Тошкент радиосига кириб келган кунидан бошлаб оталик меҳрини кўрсатди, қалам тебратиш йўл-йўриқларини ўргатди. Ҳатто наманганча шевада сўзлашларини ҳам тўғри-лашга эришди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси болаларбоп асарларини радиоинценцировка қилдириб, унга атайлаб Жонрид Абдуллахоновни иштирок этишга жалб қиларди. Радионинг илр режиссёри, устоз Незмат ота Дўстхўжаев Валентин Катаевнинг “Полк ўғли” қиссасини инценцировка қилади. Бу асар Ҳаким Назир ва Хибзиддин Мухаммадхон таржимасида Жонрид Абдуллахонов, эндигина ўн уч ёшдан ошган Фарҳод Мусахонов ва бошқа йқтидорли болалар иштирокида инценцировка қилинган эди. Бу ҳам бўлгуси қалам соҳибларига ижобий таъсир кўрсатган.

Ж.Абдуллахонов машхур халқ ёзувчисининг илм-маърифатидан қонган, файз-фазилатлари, фасоҳатидан баҳра олган ҳамда ёзувчиликка ҳавас уйғотган устози сифатида умрининг охиригача унинг номини мамнуният билан тилига олиб ўтди.

1956 йили Тошкент телевидениеси ташкил бўлarmiш, деган гаплар тарқалди. Ўша йиллари Марказқўмда Захро Раҳимбобоева котиба бўлиб ишларди. Унинг бошчилигида телевидениеда ишлаш қобилияти бўлган ёшларнинг танлови ўтказилди. Унда Жонрид Абдуллахонов биринчилардан бўлиб масъул муҳаррирликка қабул қилинади. Унинг тележурналистика сир-асрорларини эгаллашида талабчан, табиатан босиқ, бироқ меҳр-оқибатли инсон Мирсолиҳ ака Мираъзамовнинг хизматлари беқиёс бўлган. Мирсолиҳ ака бу мўъжизавий даргоҳнинг биринчи раҳбари эди. Унинг бошчилигида Ж.Абдуллахонов ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди.

Телевидениега радио ва театрларда кўп йиллар ишлаган тажрибали режиссёрлар, техниклар, муҳаррирлар таклиф этилди. Телевидениенинг биринчи масъул муҳаррири Ж.Абдуллахонов дастлабки кунларданок ташкилотчилик ишларида ҳам фаол иштирок эта бошлади. Унинг елиб-югуришлари билан телевидениенинг дастлабки дикторлари ҳам топилади. Қўрик-танловда иштирок этган юзлаб қизлар орасида Тошкент тиббиёт институти (ҳозирда Тошкент давлат тиббиёт университети)нинг талабаси Иқболхон Олимжонова ғолиб топилиб, Тошкент телевидениесининг биринчи дикторига айланади. Рус тилида кўрсатувлар олиб боришга навнихол Юнона Столярова, кейинроқ Галина Мельникова қабул қилинади.

Бўлгуси адибнинг камолотга етишида телеви-



дениенинг ҳиссаси катта бўлди. У ўша даврларда республикамизга раҳбарлик қилган мухтарам зот Шароф Рашидов ва бошқа ўнлаб адибларнинг ёрдамларидан баҳраманд бўлди.

— Менинг Намангандан Тошкентга юзлаб чакирим йўлни пиёда босиб, азов-укубатлар чекиб пойтахтда макон топишим, элга танилишимда энг аввало Ўзбекистон радиоси ва унинг саховатли ходимларидан миннатдорман ҳамда улардан қарздорман, — деган сўзларни устоз адибимиз кўп таъкидлар эди. — Етим норасидага меҳр, олий ҳиммат ва марҳамат кўрсатган Шароф Рашидовга, онамдек иссиқ бағрига олган Файзихон опа Мирзажоновага, биринчи романим — “Йўл”ни тахрир қилиб, йўл-йўриқ кўрсатган Саид Аҳмад ва Саида Зуннуновага, ёзувчиликнинг катта даргоҳига етаклаб кирган Абдулла Қаҳҳор, сўз иқлимининг хоқони Мақсуд Шайхзода, ҳақиқий “Ҳазрати инсон” Раҳмат Файзий, радиода оталик ва устозлик қилган Ҳаким ака Назиров, Неймат ота Дўстхўжаев ва бошқаларга кўрсатган меҳр-оқибатлари, ёрдамлари учун миннатдорчилик сўзларимни айтишдан чарчамайман. Уларнинг ётган жойлари нурга тўлсин. Ахир Шароф ака туфайли паспорт эгаси бўлиш, Абдулла Қаҳҳор Ёзувчилар уюшмасига аъзо қилиб, Москвадаги Олий Адабиёт курсида ўқитгани, мен учун сўз санъатининг султонли, илмда ҳам, шеърятда ҳам камолот дарёсининг қимматбаҳо инжуси ҳисобланган устоз Мақсуд Шайхзода эса ёзган китобларимга дил тортадиган номлар топиб берганларини унутиб бўладими?! Лекин мен учун энг улўғ маскан бу — радиодир. Радио — бу нур деганидир. Нур эса оддийгина шуъладан бошланиб, бир авлод ҳаётича давр ичида асрларнинг ҳокими бўлиб қолган. Нур сўзи ҳақиқат, бахт, эрк, озоодлик маъносини бериш билан бирга шу азиз кўрраимиз, коинот ва нихоят инсоният рамзи сифатида янграйди. Бу нур, тақрор айтаман — радиодир. Бу муқаддас ва мўъжизавий даргоҳ миллионлаб одамларга нур, маърифат тарқатмоқда. Менинг бахтим, онам ҳам шу қадрдон Ўзбекистон радиосидир.

Халқимизда “Бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом бер”, деган мақол бор. Жонрид Абдуллахонов азиз ва мўътабар даргоҳи — Ўзбекистон радиоси ва телевидениесига қирқ кун эмас, балки умрининг охиригача садоқатли фарзанд бўлиб қолди. У шўро даврида ҳам, мустақиллик йилларида ҳам ўзининг очерк ва лавҳалари, бадий асарлари билан радио тахририятларининг эшиттиришларида фаол қатнашиб турди. Радио ва телевидениедаги фаолияти, устоз ва ҳамкасблари ҳақида хотиралар ёзиб, чоп эттирди. Унинг радио ва телевидение тахририятлари ҳамда бўлимлари ходимларининг иш жараёнлари, таниқли кишиларнинг суратларини жамлаб, рангли тасвирда чоп эттирган китоби — “Оҳ, ўша кўзлар” номли ҳикоялар, хотиралар, ҳангомалар жамланмасида юқорида айтган фикрларимиз ўз ифодасини топган.

Шунингдек, адибнинг “Тўфон”, “Борса келмас”, “Орият”, “Хонадон”, “Суиқасд”, “Тергов”, “Тарки дунё” романлари, икки роман ва бир неча ҳикояларни жамлаган икки жилдлик “Сайланма”си, “Гулчеҳра”, “Азизахон”, “Афсонага тенг умр” номли қиссалари, бир неча ҳикоялар тўпلامлари чоп этилиб, китобхонларга тўхфа қилинган. Бу асарларнинг аксарияти Россия, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Украина, Албания, Болгария, Вьетнам ва бошқа хорижий давлатларда ҳам таржима қилиниб, нашр қилинган.

Ж.Абдуллахоновнинг таржимонлик фаолияти тўғрисида ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Д.Граниннинг “Изловчилар”, Аббат Превонинг “Кавалер де Гриве ва Манон Леско қиссалари”, “Юнон қизининг қисмати” сингари романларини ўзбек тилига маҳорат билан ўғирган.

Радионинг содиқ фарзанди Жонрид Абдуллахонов фақат насрдагина эмас, балки драматургия, шеърят, публицистикада ҳам ижод қилган кўп қиррали адиб эди. Унинг кўп йиллик ижодий фаолияти юксак қадрланиб, 1999 йили Президентимиз фармонида кўра “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланган.

Наманганда таваллуд топиб, ҳаётининг турли қийинчилик ва бахтли онларини бошдан кечирган таниқли адиб умрининг сўнгги нафасигача радиога ошифта бўлиб яшади. У саксон беш ёшдан ошиб, фоний дунёни тарк этди. Унинг асарлари, порлоқ чехраси кенг китобхонлар ҳамда шогирдлари хотирасида тоабад сақланади.

Абдусамад ИСОҚОВ

✓ **ХОРИЖ**

САВДО ҲЕЧ ПИШМАЯПТИ...

Россия-Украина мавзуси яқин вақтларда тинадиган эмас. Вашингтонда Европанинг етакчи давлатлари, ЕИ ва НАТО раҳбарлари билан АҚШ президенти Трамп учрашуви тафсилотлари матбуотга бироз сиз-дирлиди. Оқ уй соҳибининг нияти Зеленскийни қўлловчи гуруҳни Путин билан музокарага тайёрлаш эди.

Етти етакчи Трампга Украина ва ЕИ бир хил эканлиги, шунинг учун АҚШдан энг ишончли кафолатлар зарурлиги, уларсиз Путин билан ҳеч қандай келишувга эришиб бўлмаслигини айтади. Оқ уйни ғазаблантирмаслик учун улар Украинадан Россияга ўтадиган, босиб олинган ҳудудлар тўғрисида гап ҳам очинмайди.

Аслида, ЕИ Киевнинг “ҳеч нарса бериб қўймаймиз, энг кўпи билан тенг равишда ҳудудларни алмашамиз” қарашларини қўллайди. Аммо таҳлилчилар Трамп ва Путин ўртасида қандайдир сирли келишув борлигига ишонишади.



Европа ҳудудларни алмашишга қарши, бироқ Трампга бас келолмайди, шу билан бирга, европаликларнинг фикр айрилиги бор.

Масалан, Финляндия президенти Стубб бир вақтнинг ўзида мамлакатининг 1944 йилда Россия билан урушни тугатиш тажрибаси ҳақида гапириб, Славянск ва Краматорскни “хунларга қарши гала”, деб атаган эди.

Канцлер Мерц Украина Донбассининг бир қисмидан воз кечишини АҚШдан Трампнинг ватани — Флоридани бериб обориш билан солиштиради.

Москва Украина армиясини қисқартириш, НАТОга кирмаслик ва хорижий қўшинларни ҳудудда жойлаштириш эвазига Киевга кафолат беришга тайёрлигини ҳамон тақрорлаб келади.

Макрон айтганидек, Украина аллақачон Европадаги энг катта армияга эга. “Ҳақиқатни дангал айтиш керак: Одесса, Киев бизники, бизга тегманг. Мана бу барқарор кафолатлар беради”.

ЕИ Украина масаласини ҳал этиш бўйича Оқ уй-Кремль келишувларини бузишга эришмоқчи. Бунинг устига, Европа мамлакатларининг деярли барчаси НАТОга аъзо, бағрига Украинани қўшиб олмақчи.

Оқ уй саммитига қадар европаликларнинг позицияси аниқ эди, аммо Трампни қарашларидан воз кечтира олмадилар. Унинг учун Путин билан Аляскадаги учрашувидаги келишувлари устун қолди. Трамп ўша заҳоти бекорга океан ортидан туриб ярим кечаси Путинга кўнгиروق қилиб, тафсилотларни айтиб бермаган эди.

Оқ уй ҳатто ой охирида “икки уришқоқни яраштириб қўяман”, деб дунёга маълум қилади. Москва эса ўз талабини қайтаради. Савдо ҳеч пишмайди-гандек...

Ўзаро айбловлар, талаблар, таҳдид ва ишончсизлик нафақат икки томонлама, балки уч томонлама саммит ўтказишга ҳам қатъий тўсқинлик қилмоқда.

Афсуски, қора булутлар тарқалишига анча вақт борга ўхшайди...

Аброр ХОН,
сиёсий шарҳловчи.

ҒАЗОДА ҲАЛОК БЎЛГАН ЖУРНАЛИСТЛАР

2023 йил 7 октябрдан бери Ғазо секторида 240 нафар журналист ҳалок бўлди, дея хабар тарқатган ҳудуд ҳукумати ахборот хизмати. Ушбу баёнотда ҳозирча энг сўнгги қурбон “Palestine TV” фотомухбири Халид Муҳаммад Ал-Мадхун экани таъкидланган.

Жорий йил 11 август куни “Al Jazeera”нинг беш нафар ходими, жумладан, муҳбир Анас Аш-Шарифнинг Ғазодаги “Аш-Шифо” касалхонаси яқинида жойлашган журналистлар чодирига уюштирилган ҳужум туфайли ҳаётдан қўз юмгани эълон қилинганди. Ҳукумат аниқлик киритишча, зарбадан кейин “Саҳат” ахборот портали ходими Муҳаммад Ал-Халидий ҳам жон берган.



Фластин миллий маъмурияти иқтисодиёт вазيري Мухаммад Ал-Амур “РИА Новости” мухбирига маълум қилишча, ҳарбий ҳужумлар фуқаролик инфратузилмасининг 85 фоизини бутунлай вайрон қилган. Ҳисоб-китобга қараганда, эндиликда Ғазони тиклаш учун 50 миллиард доллардан кўп маблағ керак бўлади.

Сўнгги ойларда қамал янада кучайтирилиб, ҳудудга зарур ҳажмдаги озиқ-овқат ва дори-дармон етказиб берилишига тўсқинлик қилиняпти. Бу эса минтақада очарчилик муаммосини авж олдиarmoқда. Шу боис аҳоли ўртасида, айниқса, кексалар ва гўдаклар орасида тўйиб овқатланмаслик туфайли жон берганлар сони кескин ортган.

ҚИРҒИЗИСТОН БАНКЛАРИ САНКЦИЯГА УЧАРАДИ

Россия рублида амалиёт ўтказишга рухсат олган Қирғизистон банклари Ғарб давлатлари санкциявий босимиға учраган. Бу ҳақда Президент Саидир Жапаров “Кабар” агентлигига берган интервьюсида маълум қилган.

Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, хатарни имкон даражасида камайитириш учун расмийлар бир муассаса — давлатга тегишли “Керемет” банки мисолида рубль орқали ҳисоб-китобни марказлаштиришга қарор қилди.

— Мамлакатда 21 банк фаолияти юритмоқда, — деган Жапаров. — Хусусий банклар санкция таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш учун Россия рубли билан фақат давлатга қарашли “Керемет” банки ишлайди, деган қарорга келдик. Ҳар қандай амалиёт давлат назорати остида амалга оширилиб, фойда бюджетга тушади.



Интернет маълумотлари асосида
Ислом ЭГАМБЕРДНОВ тайёрлади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА ТЕХНОЛОГИК МУСТАҚИЛЛИК НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?

Бугун Ўзбекистон тараққиётининг асосий муаммоларидан бири технологик мустақилликка эришиш муаммосидир. Бу муаммо, назаримизда, халқаро макондаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади ва унинг мавжудлиги ва долзарблиги мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун ўта муҳимлиги барча тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган.

Ушбу муаммонинг мавжудлиги билан боғлиқ ҳолда бир қатор ўзаро боғлиқ саволлар туғилади, уларнинг жавоблари фан нуқтаи назаридан ҳам, ижтимоий амалиёт нуқтаи назаридан ҳам жуда муҳимдир. Биринчидан, технологик мустақиллик нима? Иккинчидан, унинг ютуғини белгилловчи асосий омиллар нима ва у нималарга боғлиқ? Учинчидан, бунга эришишнинг асосий йўллари қандай ва бу умуман мумкинми?

Бизнингча, Янги Ўзбекистоннинг технологик мустақиллигини белгилловчи асосий (яширин) омиллардан бири бу юқори малакали кадрлар тайёрлашни илмий бошқаришдир.

Ушбу мақолада биз технологик мустақиллик ҳақида гапирамиз. Манбаларни ўрганишда технологик мустақилликнинг умумэтироф этилган таърифи йўқлигига эътибор қаратилади. Хусусан, технологик мустақиллик кўрсаткичи иқтисодий категория сифатида Ўзбекистонда анча вақтдан бери қўлланилиб келинмоқда, аммо иқтисод фанида ҳалигача ягона таъриф мавжуд эмас. Уни баҳолашнинг умумэтироф этилган усуллари ҳам йўқ. Бу, биринчи навбатда, технологик мустақиллик, шунингдек, иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари бирлаштирилмаганлиги билан боғлиқ, чунки ҳар бир соҳада уларни тавсифловчи ўзига хос параметрлар мавжуд. Бизнингча, таърифнинг йўқлиги технологик мустақиллик масалаларини тўлиқ ўрганишга имкон бермайди.

Мутахассислар технологик мустақилликка қуйидагича таъриф берадилар: "Технологик мустақиллик — фан, техника, технологиялар, технологик машиналар, асбоб-ускуналар ва улардан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқариш ривожланишининг шундай ҳолати бўлиб, ҳозирги замон ривожланиш даражасига мос келади". Бошқа томондан, таъриф тушуш-чанинг ўзига мос келмайди, чунки у ерда мустақиллик компоненти йўқ. Дарҳақиқат, фан ва техниканинг ишлаб чиқариш ҳолати импорт қилинадиган бутловчи қисмлардан ҳар қандай юқори технологияли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бериши мумкин, аммо бу қандай технологик мустақиллик?

Давлатнинг технологик мустақиллигига қуйидаги таърифни берайлик:

Технологик мустақиллик — ишлаб чиқаришга ҳеч қандай хорижий материаллар, технологиялар, фан ютуқлари ва асбоб-ускуналарини жалб қилмасдан, нолдан бошлаб зарур миқдорда юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берадиган ишлаб чиқариш, фан-техника ва саноат базасининг шундай ҳолатидир. Бунда нолдан том маънода маъдандан, яъни минерал казиб олиш босқичидан бошлаб, ўзига хос маҳсулотни ишлаб чиқаришгача.

Ушбу таърифдан мантиқий равишда технологик мустақилликнинг тўлиқлиги жиҳатидан бўлиниши мумкинлиги келиб чиқади. Юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда хорижий элементлар қанчалик кўп ишлатилса, технологик мустақиллик даражаси шунчалик паст бўлади. Шундай қилиб, технологик мустақилликнинг тўлиқлиги аниқ юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда хорижий компонентларни (кенг маънода, шу жумладан, илмий ишланмаларни) жалб қилиш даражасини кўрсатади.

Шундай қилиб, муайян турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳам, бутун мамлакатда ҳам технологик мустақиллик даражасини баҳолаш мумкин бўлади. Технологик мустақиллик таърифи билан тавсифланган тўлиқ технологик мустақиллик 10 баллга тенг бўлганда ва барча зарур технологиялар, материаллар ва бутловчи қисмлар импорт қилинадиган нолга тенг технологик мустақиллик 0 баллга тенг бўлади. Бу усулдан фойдаланиш маҳсулотлар-



нинг алоҳида турлари ва мамлакатларнинг технологик мустақиллигига миқдорий баҳо бериш имконини беради.

Ҳозирги вақтда дунёнинг ҳеч бир давлати, кўринишидан, тўлиқ технологик мустақилликка эга эмас, бу замонавий ишлаб чиқаришнинг, меҳнатнинг халқаро ихтисослашуви каби хусусияти билан боғлиқ. Бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатлари у ёки бу тарзда халқаро меҳнат тақсимотида киритилган, унинг чуқурлашиши фан-техника тараққиётига катта таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқарувчи кучнинг ривожланиши билан боғлиқ. Ихтисослашув — бу меҳнат тақсимотининг шакли бўлиб, унда иқтисодий фаолиятнинг ҳар бир иштирокчиси ўз кучини бир ёки чекланган турдаги операцияларга жамлайди.

Соҳа мутахассислари баён этган фикрларга

чиқариш шу қадар мураккаб жараёни, ҳатто дунёдаги энг кучли иқтисодиётлар ҳам уни тўлиқ ўзлаштира олмай, бу жараённинг айрим қисмларини ўзлари сотиб олишни, ўз навбатида бошқа қисмларини сотишни афзал кўришади.

Бироқ тўлиқ технологик мустақилликка эришнинг имкони бўлмаса-да, айниқса, Янги Ўзбекистон учун маълум бир даражага эришиш мумкин ва жуда муҳим ҳисобланади. Айнан шу сабабли савол туғилади: технологик мустақиллик нималарга боғлиқ?

Барча тадқиқотчилар томонидан мутлақ эътироф этилган технологик мустақилликка эришиш билан боғлиқ энг муҳим омиллардан бири бу жамиятда илмий ривожланиш омилдир. Бу ҳолат ҳар қандай технология жараёнининг деярли барча параметрлари қайсидир

мий фантастика мавзуси эди, аммо лазер эффектининг ихтироси кўплаб замонавий компьютер қурилмаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш имконини берди.

Шу билан бирга яна савол туғилади, бу фан ривожланишининг ўзи нимага боғлиқ? Аввало, бир шарт қўйлик: бу ишда илм-фан ҳақида гап кетганда, биз расмий, институционал фанни назарда тутамиз. Ундан ташқари норасмий фан ҳам мавжуд. Биз фаннинг таснифини кўриб чиқмаймиз, чунки бу бизнинг ўрганишимиз мавзусидан анча узоқдир. Расмий фан деганда олим диссертация (Ўзбекистонда докторлик ёки фалсафа докторлик диссертацияси) ҳимояси натижасида илмий даража олганлиги тўғрисидаги диплом кўринишида фан билан шугулланиш қобилияти тасдиқланишини назарда тутати.

Ўз навбатида, диссертация ҳимоясида илмий раҳбарлик каби омил муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Илмий раҳбарнинг шоғирда таъсир кўрсатиш жараёнини ифодаловчи, диссертацияни ҳимоя қилиш мақсадига олиб келадиган илмий раҳбарлик, аслида, кўп ҳолларда бўлажак олимни шакллантиради ва шунинг учун у томонидан амалга ошириладиган кашфиётларни белгилайди. Илмий раҳбарнинг шаҳсияти кўп жиҳатдан шоғирнинг бўлажак муваффақиятини белгилайди.

Масалан, Ўзбекистон тарихида "Ўзбек кибернетикасининг отаси" деб аталган совет математиги ва кибернетики, академик В.Қабуллов илмий раҳбар эди. Академик Қабулловнинг бошқарув ва ахборот технологиялари соҳасидаги илмий ишлари муносиб баҳоланган; у ушбу фанларнинг деярли барча соҳаларига ҳисса қўшган. Машҳур олим В.Қабуллов халқ хўжалигининг турли тармоқларида кўплаш алгоритмларининг назарий асосларини яратиш ва амалиётда қўлашга катта ҳисса қўшди. У Фанлар академияси илмий тадқиқот институтлари ва қатор университетларда кибернетика ва механика бўйича бир қанча илмий мактабларга асос солган. Ўз навбатида Қабулловнинг



мувофиқ меҳнатни халқаро ихтисослаштиришнинг асосий вазифаси ижтимоий энергия иқтисодири. Давлат учун иқтисодий саъй-ҳаракатларни маълум турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга, ушбу турни сотишга ва сотишдан олинган маблағлар ҳисобидан қолган зарур маҳсулотларни сотиб олишга қаратиш янада тежамкор. Айнан мана шу сабаб ҳеч бир мамлакат тўлиқ технологик мустақилликка эришиб бўлмайди.

Иккинчи сабаб, замонавий юқори технологияли маҳсулотларни бутунлай нолдан ишлаб

ўзи ҳам кўплаб машҳур олимларнинг илмий раҳбари бўлган, 50 дан ортиқ фан докторлари ва 70 дан ортиқ фан номзодларини тайёрлаган.

Айни пайтда энг муҳим кашфиётлар ортида ёш олимнинг шаклланиши ва кўпинча фалсафа докторлиги ёки докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш турибди.

Ҳозирги Ўзбекистон шароитида илмий-тадқиқот ишлари назорати, айниқса, муҳимдир. Бу муҳимлик Ўзбекистонда илмий даражасиз илмий фаолият билан шугулланиш низолатда қийин, айрим ҳолларда эса имконсизлиги билан изоҳланади. Камида фалсафа доктори илмий даражасига эга бўлмаган шахс, илмий ютуқларидан қатъи назар, ҳамкасблар томонидан иккинчи даражали шахс сифатида қўрилади. Бундай олимнинг иш ҳақи даражаси илмий даражага эга бўлган ҳамкасбларига қараганда анча паст. Шундай қилиб, Ўзбекистонда илмий фаолият билан шугулланмоқчи бўлган шахс олдида бевоқифа илмий даража олиш вазифаси турибди. Бу вазифани эса бўлажак олимни илмий раҳбарлик муассасасига жалб қилмасдан туриб ҳал қилиб бўлмайди. Диссертация ҳимоясида илмий раҳбарликнинг аҳамияти ҳам бизнинг, ҳам хорижий тадқиқотчилар томонидан алоҳида таъкидланади.

Ўзбекистонда илмий раҳбарсиз диссертация ҳимоя қилиш деярли мумкин эмас. Масалан, ёш (ёки унчалик ёш бўлмаган) одамда маълум бир соҳада технологик ютуққа олиб

келиши мумкин бўлган муҳим ғоялар мавжуд бўлган вазиятни тасаввур қилайлик, аммо бу ғоялар фундаментал фанлар соҳасига тегишли. Ушбу ғояларнинг аҳамиятини тушунган киши уларни профессионал равишда ривожлантиришни хоҳлайди. Шунинг учун даъвогар, албатта, таянч докторантурага кириши ва илмий мактаб иштирокчиси сифатида шаклланиши маъқул бўлган йўлдир.

Ва кейин бу ғояларнинг муваффақияти ва тарғиботи, шунинг учун улар асосида ишлаб чиқариладиган келажақдаги технологиялар бевоқифа илмий раҳбарнинг шаҳсиятига боғлиқ бўлади. Агар илмий раҳбар уларни баҳолаб, йўл қўйса, докторант бу ғояларни ўзгартира олади ва тегишли илмий ва технологик ҳисса қўшади. Агар бу содир бўлмаса, ғоялар ғоя бўлиб қолиши ва ҳеч қачон ҳеч қандай шаклда нашр этилмаслиги мумкин. Бундай ҳолат, афсуски, камдан-кам учрайди.

Воқеалар бошқача ривожланиши ҳам мумкин. Самарали ижод қиладиган олим кўплаб турли гипотеза ва ғояларга эга. Кейин у ўз шоғирларига улар устида ишлашни таклиф қилади ва улар дастлабки ғояни ривожланиш босқичига олиб келади. Қоида тариқасида классик илмий мактаблар шу тарзда ривожланади.

Диссертацияни ҳимоя қилишнинг расмий жараёнларида илмий раҳбарнинг ролини ҳам ортқича баҳолаб бўлмайди. Диссертация ҳимоясида қўйиладиган расмий талаблар йилдан-йилга ортиб бораётганини ҳисобга олсак, уларни мустақил энгши тобора қийинлашиб бормоқда ва бу ерда илмий раҳбарга диссертацияларни ҳимоя қилиш жараёнида ўз талабалари олдида турган расмий вазифаларни ҳал қилишга ёрдам бериш зарурати билан боғлиқ алоҳида юк юкланади.

Илмий бошқарув технологик мустақилликдан бошлаб тўртта катта босқичда ётади ва бу босқичлардан ҳали ўтиш керак. Масалан, докторантурада ўқиш диссертация ҳимоясини аниқлашмайди. Маълумки, кўплаб докторантлар диссертацияни ҳимоя қилишмайди, ҳисоб-китобларга кўра, докторантларнинг атиги 10 фоизи ҳимояга чиқади.

Ўз навбатида кўпчилик ҳатто энг илғор технологияларни амалга ошириш босқичига ҳам етиб бормайди. Натижада илмий бошқарувнинг технологик мустақиллиги таъминлашга қўшган ҳал қилувчи ҳиссасига қарамай, бу ҳиссанинг ўзи яширин характерга эга. Айни пайтда бунинг аксини айтиш мумкин — самарасиз илмий бошқарув Ўзбекистон Республикасининг технологик қарамлигини оширишга ёрдам беради. Бунинг сабаби, самарасиз илмий бошқарув натижасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барча тармоқларида мумкин бўлган замонавий технологиялардан маҳрум бўлиб, бу технологиялар ишлаб чиқилмайди, бозорда пайдо бўлмайди ва шу тариқа давлат ё бундай турдаги технологиялардан воз кечишга ёки импорт қилинадиган технологиялардан фойдаланишга мажбур бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз қуйидаги хулосаларни чиқарамиз:

1. Мамлакатнинг фойдали қазилмалардан хоҳ илмий, хоҳ моддий ресурсларни жалб қилмасдан, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан пировард маҳсулотгача ишлаб чиқариш имкониятини назарда тутувчи технологик мустақиллик зарур бўлган давлатдир. Иқтисодиётнинг бундай ҳолатини тўлиқ технологик мустақиллик деб аташ мумкин.
2. Ҳозирги вақтда дунёнинг ҳеч бир давлати алоҳида ва яққа ўзидан ўзи тўлиқ технологик мустақилликка эришиши қийин. Негаки, бу меҳнат бозорининг халқаро ихтисослашувининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ва жамиятда ресурсларни тежаш таъмоили билан белгиланади.
3. Шунга қарамай, нисбий технологик мустақилликка интилиш ва технологик қарамлик даражасини пасайтириш, яъни илмий борица юқори технологияли маҳсулотлар ўзимизнинг илмий-техник салоҳиятимиз асосида ишлаб чиқарилишига интилиш зарур.
4. Технологик мустақилликка таъсир этувчи муҳим омиллардан бири мамлакатда илм-фаннинг ижтимоий институт сифатидаги ривожланиш даражасидир.
5. Институционал фан ривожланишининг муҳим омилларидан бири эса юқори малакали кадрлар тайёрлашни самарали илмий бошқариш ҳисобланади. Айнан шу жараён ёш олимлар учун касбий фаолият сифатида фан билан шугулланиш имкониятини кенгайтиради. Айнан шу жараён келажақдаги технологик соҳада ёш олимлар томонидан амалга ошириладиган кашфиётларни белгилайди.
6. Юқори малакали кадрлар тайёрлашни илмий бошқариш Янги Ўзбекистоннинг технологик мустақиллигига таъсир этувчи энг муҳим яширин омиллардан биридир.

Шундай қилиб, технологик мустақиллигини, илмий бошқарув самарадорлигини белгилаб бериш нафақат мамлакат иқтисодиётининг ҳолатига, балки натижада бутун жамият тараққиётига таъсир қилувчи асосий омиллардан биридир.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология
институты ректори,
профессор.



ШЕЪРИЯТ

Ватан деган Ватан бўлажак

Даланинг қоқ ўртасида,
саратон мавжида, тут соясида,
гўдагини бағрига босган
жувон —
менинг Ватаним.

Ғўзасининг гулларин ўпиб,
ҳар эгатга жон терин тўкиб,
пахтасининг кулганин кўриб,
кўзларига ёш олган
деҳқон —
менинг Ватаним.

Ёз чилласи дошқозонида
қовурдоқдек қовуриб, гармселда совуриб,
шимолга ҳам шафтоли тутган
боғбон —
менинг Ватаним.

Қиш-қировли тунлари бедор,
қашқирларга бермай омонлик,
қўзичоғин кўйнига солиб,
хиргойиси дарани тутган
чўпон —
менинг Ватаним.

Бобосининг белбоғин
адолатнинг байроғи қилиб,
“Ҳалол, ҳалол, ҳалол!” дея
рақибининг курагини ерга босган
полвон —
менинг Ватаним...

Миллатим, юртим — ориятим деб,
тинчлик муддаомдир, пок ниятим деб,
темурий тулпорин миниб,
кўкрагини ўққа тутган,
ялангтўш султон —
менинг Ватаним!

МАҚОЛНОМА ШЕЪР

Яхши номинг ёмон қилган
Дўстларингдан дўст чиқмас,
Етти улчаб бир бор кессанг,
Лахтаингдан кўст чиқмас.

Кеча-кундуз сенга ошно
Бўлса агар бир дониш ёр,
Эл оғзига элак тутар,
Ҳеч ножўя сўз чиқмас.

Қилган ишинг режали гар,
Босган изинг хайри қутлуғ,
Қош қўярсан ва лек аммо,
Асло-асло кўз чиқмас.

Фурсат шошар, вақт ғанимат,
Сўроқларга жавобинг бор,
Дилинг эзуғликка шайдирки,
Ноланг ҳам суст чиқмас.

Фарид Афрўз, фикринг тузат,
Фикр дунёнинг меҳвари,
Айтарларинг мағзи тўқ гар,
Минг чақса ҳам пуч чиқмас.

Бахтнинг куши кўнди, элим, бошинга,
Ҳар ёнда тантана қилар адолат.
Энди дунёлар ҳам келар қошингга,
Юртбошинг файз берса, гуллагай давлат.

Яна нима керак сенга, биродар,
Масжидлар дуода, мақбара уйоқ.
Асло тош отолмас ҳеч бир дарбадар,
Юртбошинг мард бўлса,
номардлар йироқ.

Энди сен чин сўйла, яшагин рўйрост,
Хиёнат қилма, бас, ўзбек, ўзликка.
Садоқат кўрсатиб аждоҳларга хос,
Юртбошинг поклаган ҳалол тузлуққа.

Ватанни сев чиндан, онанг ахир у,
У отанг эмасми, қонингда оққан!
Бешиқда жилмайган боланг ахир у,
Юртбоши жонида оловлар ёққан.

Элим, ўз бахтингни танисанг бўлди,
Адашма, чалғима, ҳушёр, зукко бўл.
Кўксинг эрк қуёши нурига тўлди,
Юртбошинг қадами — жаннатларга йўл.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС —
УЧИНЧИ ТЎЛКИН

Менинг томиримда қоним мусаффо,
Буюклар сурури, руҳи оқади.
Тарихдан сўз очсанг, мудроқ танингда,
Аждоҳлар шарафи олов ёқади.

Оламни ёритди илм, фасоҳат,
Юсуф Хос Ҳожибдан бошланган билиг.
“Маъмун” устунлари айтади алла,
Хоразмий ясаган тебранар бешик.

Форобий ғижжаги башорат берар,
Яссавий тақвоси, ҳикматларидан.
Дунёни уйғотиб садолар келар,
Беруний кашф этган хилқатларидан.

Термизий, Фарғоний, Замахшарийлар,
Тош қалблар қазърига битдилар битик.
Қоронғу кўнгиллар ёришди бирдан,
Фикрлар тирилди, тафаккур тирик.

Товонда қон билан Имом Бухорий,
Жонларга ҳадисни нақшиндай ўйди.
Ибн Сино келди, ҳайратда жаҳон,
Дунё ярасига малҳамлар қўйди.

Йиллар ўтди, кураш, жанглар, истило,
Кимлар келмади ахир қилчичин қайраб.
Соҳибқирон Темур — адолат тонги,
Гуё қуёш чиқди нурларин тараб.

Сўз мулки султони — ҳазрат Навоий,
Шоири уламо, шоири бақо!
Бобурий нафосат, бобурий ҳикмат,
Асрлар сўнмайди, берар акс садо.

Мустабид замонлар, энди хайр-хўш,
Элим озод, ҳурдир, юрт эса обод.
Ҳар лаҳза яшамоқ бахт энди бунда,
Ниятлар гўзалдир, гўзалдир ҳаёт!

Бугун наъра тортар учинчи тўлқин,
Томирда кўпирар аждоҳлар шахти.
Бугун омон бўлсин илму фан ишқи,
Ҳақнинг инояти — салтанат тахти!

Устознинг кўлидан
сув ичганларнинг
Кўкайи боғ бўлар, боғистон бўлар.
Бу чаман бағрида ҳар қуш донишманд,
Ҳар чечак бир ҳикмат, дилистон бўлар.

Устознинг меҳрида
ҳаёт мужассам,
Томирда нур оқар, олов тафаккур.
Бу рангин дунёнинг камалаклари
Жонингга жон берар, беради сурур.

Устознинг излари
жаннатга бошлар,
Беҳиштнинг ифори тутар ҳар ённи.
Биз ахир инсонмиз, ҳазрати инсон,
Биз учун яратмиш жумла жаҳонни.

Устознинг кўзи-ла
боқсанг оламга,
Юрагинг кенгаяр, ой, қуёш бўлар.
Нигоҳинг силқорар коинотларни,
Ер шари кафтингда бир тўптош бўлар.

ИҚРОР

Устоз Хуршид Дўстмуҳаммадга

Йўлнинг чироқлар тутади,
Келмасинг билса ҳам кутади,
Қадрсиз, қадрингга етади,
Дунёнинг энг яхши одами.

Йўғингдан борлиқлар ясайди,
Шонингга ёрлиқлар тўшайди,
Кафтлари отангга ўхшайди,
Дунёнинг энг яхши одами.

У борки, тоғларинг кўркамдир,
У борки, ҳар кунинг кўкламдир,
Дарбадар кеманга елкандир,
Дунёнинг энг яхши одами.

Шамолда тебранган анордек,
Ёрилиб тинглайди ёрондек,
Соясин минг йиллик чиноредек,
Дунёнинг энг яхши одами.

Юрганда майсалар куларлар,
Сўз айтса, кумрилар тинарлар,
Кўксига ин қурган турналар,
Дунёнинг энг яхши одами.

Дарё у — irmоқлар шошгувчи,
Тўлқиндир қирғоқдан тошгувчи,
У ишқдир — ҳақдидан ошгувчи,
Дунёнинг энг яхши одами.

Рўҳингга қувват ҳам ўшадир,
Энг жонон суҳбат ҳам ўшадир,
Топганинг ҳикмат ҳам ўшадир,
Дунёнинг энг яхши одами.

Ўйлабманки,
Бошимда порлаган отам
Қуёш қанча турса, тураверади.
Ўйлабман,
Онамнинг жони қирқтадир,
Ёнимда биттаси юраверади...

Ўйлабманки,
Бопалик кунлар тугамас,
Мангу далаларда чопавераман.
Ўйлабман,
Гушангам осмону фалак,
Булутларни тўшаб ётавераман.

Ўйлабманки,
Ёргинам ёрлик қилади,
Ташлаб кетолмайди ўлмасдан аввал.
Ўйлабман,
Жигарлар озор бермайди,
Бопаларим бахти тўкису тугал.

Ўйлабманки,
Фурсатим ихтиёримда,
Вақтни қувсам, албат, етиб оламан.
Ўйлабман,
Тақдирни ўзгартиб бўлар,
Ғамдан кечаман-у ишқ-ла қоламан.

Ўйлабманки,
Ҳаётнинг тутгани шарбат,
Заҳарлар ичмайман дўстим кўлидан.
Ўйлабман,
Орзулар — учқур чавандоз,
Ҳасаднинг итлари чиқмас йўлидан.

Ўйлабманки,
Армоннинг манзили бошқа,
Мен билан туташмас йўллари асло.
Ўйлабман,
Айрилиқ бизга хос эмас,
Яқинларим ўлмас, бўлмайман жудо.

Ўйлабманки,
Ташвишлар тугар бир куни,
Кўнглим-ла кетаман кўнгилзорларга.
Ўйлабман,
Дарёдай юрагим билан
Ҳайқириб кираман кўкси боғларга.

Ўйлабманки,
Эғнимда шоирлик тўни
Авлиё ёпинган хирқапўш мисол.
Ўйлабман,
Сўзларим ашитар дунё,
Тинглангани каби ҳазрати Билол.

Ўйлабман... Йўқ!
Ўйимга етмадими бугун,
Ки титраб турса ҳам кафтимда олам.
Ўйлабман...
Тушундим, ё, Танграм, кечир,
Одамлик қилибман, мен нодон Одам!

КЕЧА ЭДИ У,
БОЛА ЭДИМ МЕН...

Гулқоғоздан варраклар ясаб,
Далаларда тинмай чопардим.
Атиргулнинг очишин пойлаб,
Гул тағида ухлаб қолардим...
Кеча эди у, бола эдим мен...

Опам айтган эртақлар ичра
Семурғ билан кўкда учардим.
Мен ўзимча Ойбарчин, Зумрад,
“Ёрил тош”ни бориб қучардим...
Кеча эди у, бола эдим мен...

Қовоғари уясин қовлаб,
Чўпак санчиб, бузиб қочардим.
Капалакнинг ҳолларин санаб,
Мен ўзимча дунё очардим...
Кеча эди у, бола эдим мен...

Бойчечақдан гулчамбар ясаб,
Сигиримнинг шохин безардим.
Қум далада оёқлар қуйиб,
Мисли сайёҳ, жаҳон кезардим...
Кеча эди у, бола эдим мен...

Бугун эса...
Бугун эса...
Боламан ҳамон...
Юзларда ажин, сочлари оппоқ.
Юрак эса, ҳа, ўша-ўша!
Кунлар эса... Ғурбати кўпроқ!
Бу ғурбатлар залворин кўриб,
Ҳатто шамол эркин елмайди.
Қизик, онгим улғайган сайин
Сира катта бўлгим келмайди!

Менинг кўнглим фасли баҳордир,
Гул рангида, ишқнинг рангида.
Ҳали умр узундан-узоқ,
Ҳали булбул сайрар тонгида!

Минг айланса бу чархи даврон,
Яна бола бўлмоқ мушкулдир.
Аммо сенга, Эй, Қодир Эгам,
Бола кўнглим учун шуқурдир!!!

МАДҲИЯМИЗГА МАДҲИЯ

Қадим-қадим замонларда
Юртга келган ҳар бир дониш,
Энг аввало, шу миллатнинг
Қўшиғини тинлаганимиз.

Магар эли фаровондир,
Магар озод ва хурлик ёр.
Қўшиғида қуйлар халқи,
Қўшиғида бахти бисёр.

Алла айтар оналари,
Қут-барака тилар юртга.
Ёр-ёр дейди ёрларини,
Жўмардлари қайтмас ортга.

Мадҳ этади бор-будини,
Кўнглини ҳеч алдаб бўлмас.
Ватан — обод, Ватан — эркли,
Қўшиқлари маҳзун ўлмас.

Кел, эй, дунё, кел, эй, жаҳон,
Мадҳиямиз тингла бир бор.
Ўзбекларнинг бошида тож,
Ўзбекистон деган диёр!


Бургут бўлсанг, самовий парвозингда уч,
Оҳумисан, тоғу тош қояларинг қуч,
Эй, сен, фитна, розолат — хаёллари пуч,
Билгинки, ғолиблар таҳлил қилинмас.

Сен магарки шамолсан, ортинга қайтма,
Қуёш бўлсанг, шафақнинг қўшиғин айтма,
Мардмисан, жўмардлик тахтидан кетма,
Билгинки, ғолиблар таҳлил қилинмас.

Майдасанки, чил-парчин бўлишинг тайин,
Тегиримонда янчарлар янчилган сайин,
Эй, дунёё хароба, умри бетайин,
Билгинки, ғолиблар таҳлил қилинмас.

Зўрмисан, гар, зўрлигинг кўрсатиб ўтгил,
Ғўрмисан, бас, пешонанг қисматга тутгил,
Ночормисан, ночорлик шаробин ютгил,
Билгинки, ғолиблар таҳлил қилинмас.

Фарида АФРЎЗ



Муаллиф ҳақида:
Фарида АФРЎЗ — 1956 йили Қў-қон шаҳрида туғилган. Қўқон дав-лат педагогика институти (ҳозирги Қўқон давлат педагогика универси-тети)да таҳсил олган. “Қирқ қоқил-лигим”, “Изириб қўйлағи”, “Тунлар исёни”, “Қўзим маним...”, “Ўзимдан ўзимгача”, “Ушоқ”, “Тасбеҳ”, “Ўша кун бугундир” сингари қатор китоб-лари нашр этилган. Шеърлари рус, турк, инглиз, немис, француз, форс, уйғур, озарбайжон, гагауз, хитой, ко-рейс каби хорижий тилларга тар-жима қилинган.
1999 йили “Шуҳрат” медали, 2017 йили “Дўстлик” ордени, куни кеча “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан тақдирланди.

Чумоли не қилар филлар жангида,
Муз ёнмагай асло олов рангида,
Тун кезмагай, илло, омад тонгида,
Билгинки, ғолиблар таҳлил қилинмас.

Аслида-ку, ғолиблик Ҳақдан иноят,
Ҳар не ишга қўл ураб, бўлар қаромат,
Бу ҳам битта ҳидоят, ажиб синоат,
Билгинки, ғолиблар таҳлил қилинмас.

Кузак ўтиб, қиш келди, келади Наврўз,
Ҳар бир майса, ҳар чечак айтар ғолиб сўз,
О, мағлублик сенгамас, Фарида Афрўз,
Билгинки, ғолиблар таҳлил қилинмас.

Миллат бўлса, байроқ топилиб,
Қўтаргувчи билал топилиб,
Виждон урса қалб ичра туғён,
Ватан деган юрак топилиб!

Элни деган энгашиб қолмас,
Дониш киши кенгашиб толмас.
Ватан деган Ватан бўлажак,
Сувда чўкмас, ҳеч ўтда ёнмас!

Ватан борки, соғинч сўзи — ғам,
Юрт деганда кўзларида нам,
Сен бошимда порлаган қуёш,
Эй, мушфиқим, муштилар онам!

Қайтар бир кун азалий шуқуҳ,
Қайтар ғурур, о, локиза руҳ,
Қадри баланд бўлса гар одам,
Қадар бўлар бошидаги туғ!

Момо замин, о, бобо тупроқ,
Вужудимни титратган тупроқ,
Сени, билсанг, кўзимдай севдим,
Киприklarим очмоқда япроқ!

Томиримда оққан қоним сен,
Миллат тўққан, онам — шоним сен,
Дунёларга даҳолар берган,
Аёл бошим — қирқта жоним сен!

ЎЗБЕК

“Ўзбеклар қандай одамлар?”
(хорижликнинг саволига жавоб)

Ғўзасининг гулларини ўпади ЎЗБЕК,
Қўзичоғин кўзларини ўпади ЎЗБЕК,
Фарангиваш сатангларнинг бармоқларинмас,
Отасининг ўнгирини ўпади ЎЗБЕК.

Тол экади, тут экади, экар терақлар,
Уй қуради боласининг болаларига.
Куш боқади, қурт боқади,
чарчамас ЎЗБЕК,
Хиргойиси бўзтўрғайнинг ноаларига.

Алдамайди, айтган сўзи —
ҳадисдай ҳолис,
Гарчи Қуръон ёдлаганмас,
борлиғи — йимон.

Пайғамбарин,
пошшосини танийдими, бас,
Тавбаси бор Аллоҳига, қасамлари — нон.

Шукр қилар, ҳар лаҳзаси, тинчлик онига,
Бедапоё сайилгоҳи, пайкаллар, боғлар.
Дон хирмони қўши эрур,
минбар, мартаба,

Ҳар гиёҳнинг тилин билар,
дилдан диллашар.

У ҳар йили даҳо туғар, авлиё, шоир,
Буюкларни бераверар жаҳонга бот-бот,
Ва индамай яшайверар, қилмай иддао,
Томирда оқаверар мурувват, сабот.

Ҳей, сен, дунё, танимасанг таниб ол уни,
Ҳа, бу шундай ўлка эрур, олтин тупроғи.
Ер шарида бир юрт борки,
мангу, муқаррар,
Эли эса ўзига бек, мардлик байроғи!

НАСР


Муаллиф ҳақида:

Темурпўлат
ТИЛЛАЕВ — 1960 йили
Қамаши туманидаги
Чим қишлоғида
туғилган. Қарши давлат
педагогика институти
(ҳозирги Қарши
давлат университети)
нинг филология
факультетини
имтиёзли асосда
туғатган.
“Ўлим ўқони”,
“Турналар охи”, “Ворис”
сингари китоблари
нашр этилган.
Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси.



Темурпўлат ТИЛЛАЕВ

ДЕНГИЗ
Ҳикоя



Унинг кизи тун бўйи ухламай чикди.
Аввалига қидираётган китобни излаб онасининг бир пайтлар қизлик даврида йиққан китоблари сақ-ланадиган совуқ ва зах хонанинг тит-питини чи-қарди.

Она-бола электр чироқлари аллақачон ёнмай қолган хонага шам қўтариб кирганида вақт аллама-ҳалдан ошган эди.

— Дардисар бола экансан-да, ичагинг чиқмай турса, тонг отарди. Эрталаб ёруғ борида шу ер юг-тур китобингни топарди.

Онасининг бу зорланишларига зарра парво қил-маган қиз шамнинг хира ёруғида дераза тоқчала-рини, ўнг ёнбошга қийшайиб қолган китоб жаво-нини, охирида уй бурчағидаги бир уюм лаш-луш-ларнинг тагини эринмай қараб чиқди.

Қиз излаган нарсасини тополмади, шекилли, дарғазаб онасининг бақирishiга чек қўядиган нола-кор бир овоз чиқарди:

— Уфффф!.. Ваъда бермай мен ўлай, эртага шарманда бўламан!!!
Бу галдан кейин ловуллаб ёнишга шай она бир-дан ўчди:

— Яхшироқ қара... Бир пайтлар мен ҳам сенга ўхшаб Унинг шу китобини кучоғимдан қўямасдим...
Ўқиб, тун бўйи йиглаб чиққанман... Кейин... Кейин...
Кейин “Ордона қолсин шу ёлғон шеърлар” деб шу хонага тиқиб ташлагандим.

Ёпилаётган эшикнинг эпкини шамни ўчирди.
Зим-зиё қоронғилик эмас, ўқини йиғлаётган қизи-нинг аламли хўрсиниши аёл қалбини тилка-пора қи-либ юборди.

Қизининг, унсизгина йиғлаётган қизининг елкала-ридан қучиб, аёл овутмоққа чоғланди.

Онасининг одатдагидек бақириб-чақириб, жер-киб солмаганидан бироз кўнгли тинчиган қиз ду-хоба кўрпани бошига тортиб, ўзини ухлаётганга солди. “Эртага мактаб кутубхонасидан Унинг кито-бини албатта топаман!...” деган қатъий ишонч би-лан ёстиққа бош қўйди ва шу баробар айна лаҳзада дилида кечганларни тилига чиқарди:

— Ойи... Сиз билмайсиз... У авлиё! У ўзининг ўлимини башорат қилган!..

Қизининг бу содда мулоҳазаларини ва айна дам-даги унинг дардли изтиробини тушунишга ҳаракат қилар экан, аёлнинг жисми-жонини оний бир лаҳ-зада қилич зарбидек кескир бир фикр тилимлаб ўтди: “Наҳотки?!”

Туйсуқ, олис ва ҳар эслаганида дийдасини куй-дирадиган хотиралар айна шу лаҳзада аёл борли-гини яна зир титратиб юборди. Юрагига симилла-ган бир орғиқ кирди.

Эскирган, унутилган, бешафқат бир заволга юз тутган умрининг куйинди соғинчи аёл димоғини ачиштирди.

Аллақачон ёддан қўтарилган ташландиқ хоти-ралар, у истамаса-да, кўз ўнгида бир-бир жонлана бошлади; улар одатдагидек, Унинг таъбирча, ден-гиз узра завқ ва шавқ билан сузиб бормоқда эди.
— Сен менинг денгизимсан, сен менинг умо-нимсан!!!

Бу сўзлар, бу эркалашлар ёлқинидан аёл қалби ва вужуди мумдай эрир эди.

— Нега бунча ўлим ҳақида ёзасиз? Қўйинг, сиз ҳам боғу баҳор, шодлиғу қувонч ҳақида ёзинг!

Лекин аёлнинг бу илтижолари, бу музтар бир им-додга зор нигоҳлари, унга тўймай термиллаётган, қув ва айёр кўзларнинг эҳтирос тўлқинлари шиддати-дан баҳор олди ёққан қор ерга тегар-тегмас сўнгани каби бетакорор бир ҳузур оғушида йўқликка юз ту-тарди.

Бундай пайтлар Унинг ишонч ва қатъиятга тўла овозининг бир лаҳзалик чўрсига айланарди аёл.
— Азизам, Маликам, Суйғулим, Асалим, Болим!
Ҳали биз юз йил мана шу денгизда сузамиз. Ўлим, тупроқ, паймона ва фано — булар, эҳе, сен бил-майсан, булар бор-йўғи бир восита, бир кўр баҳона! Шундай демасам, шундай ёзмасам, менинг ёзган-ларимни ким ҳам бошига уради?!

Кутилмаганда жунунвор бу ўйлар аёл қалбида жирканч бир нафрат уйғотди: бехос ўша олис эҳти-рос денгизининг шовқини бирдан тинди.

Аёл совуқ ҳиди гупуриб турган муздек кўрпани қаттиқ қучоқлади.

✓ ПРЕМЬЕРА

“Улуғ Амир ва Донна Мария” киносининг афишаси Ўзбекистон Миллий кино санъати саройининг йўлагиди узоқ қишдан бери осигилик турар эди. Кўпчилик қатори бу кинонинг намоиши аллақачон ўтиб кетган бўлса керак, деган ўйда эдим. Яқинда — 20 август куни “Ренессанс” кино уйида ўтган тақдиротдан сўнг бунинг сабабини тушундим: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июнда қабул қилинган “Кинематография соҳасини янада ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз тарихига бағишланган фильмлар туркумини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида 2024-2027 йиллар давомида бадиий, бадиий-публицистик, қисқа метражли, ҳужжатли, анимацион фильмлар ва сериаллардан иборат жами 54 та киноасар яратиш белгиланган. Бу йўналишда маълум ишлар амалга оширилди. “Улуғ Амир ва Донна Мария” бадиий фильми ана шу “Тирик тарих” лойиҳасидаги изланишларнинг навбатдагиси бўлиб, такор-такор мутахассислар ва соҳа намоёндалари кўригидан ўтказиб олингандан сўнг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган экан.

Бизнингча фильм премьерасидан чиқиб, томошабинлар битта хулосага келди:

БЎЛАР ЭКАН! ҚЎЛИМИЗДАН КЕЛАР ЭКАН-КУ!

Очиғи, кино санъати соҳасида оддий томошабин, айниқса, модернизм ва интеллектуал санъатга доир баҳсларнинг чеккадаги муҳлисиман, холос. Шундай бўлса ҳам “Улуғ Амир ва Донна Мария” бадиий фильмини “ақлли кино” йўналишидаги изланишларнинг гузал намунаси сифатида қабул қилдим.

Бу кино замонларни замонларга, маконларни маконларга боғлайди.

ЎРТОҚ “ЎЗБЕКФИЛЬМ”, БЎЛАР ЭКАН-КУ!

Ёки “Улуғ Амир ва Донна Мария” бадиий фильми намоишидан кейинги ўйлар



Одам ўлганидан кейин, кўп-кўп йиллар ўтиб, “қайта тиралади”, деган гапни, афсонани эшитгансиз.

Мовароуннахр ҳукмдори Амир Темур ва турк султони Йилдирим Боязид ўртасида кечган тарихий “Анқара уруши” даврининг қаҳрамони бўлган олис Мохаристон маликаси Донна Мария бизнинг замонимизда яшаб, кино ижодкорларининг ҳукми билан шартли равишда шонли кечмишига тез-тез қайтиб — сафар қилиб туради. Кино сюжети мана шу воқеалик, ривоят асосида кечади.

Амир Темурга “Европа халоскори” унвонини тақдим этган “Анқара жанги” бадиий фильм сюжетининг ўқ илдизини ташкил этса ҳам, биз ўрганиб қолганимизнинг акси ўлароқ, кино ижодкорлари бу жанг тафсилотида берилмай, умуман, ўзбек киносида янгилик бўлган ўзгача услубни танлайдилар.

Қисқа қилиб айтганда, саратон касали билан оғриган венгриялик Донна Мария Истанбулда япониялик онколог-

профессор Кенгу Саид билан учрашиб қолади ва Токиода дардини даволатиб, руҳий етаклов йўриғида Самарқандга — Амир Темур хилхонасининг зиёратига келади. Тарихий парадоксни қарангки, шу кунларда япониялик онколог-профессор ҳам отаси билан Ўзбекистонга келган бўлади. Профессорнинг отаси Иккинчи жаҳон урушида асирга тушиб, бир муддат Ўзбекистонда тутқунликда яшаган. Шунинг учун у Ўзбекистондаги япон асирлари қабристонини зиёрат қилишни ният қилган эди. Аввал Тошкент ва Фарғонада бўлишди. Самарқанддаги япон асирлари мазорини зиёрат қилишга келишганида яна Донна Мария билан учрашиб қоладилар.

“Донна Мария Амир Темур қабрини зиёрат қилиши асносида сехрли равишда саратон дардидан тамоман фориғ бўлиб, уни бутун фильм давомида излаб, сўроқлаб турган севгилиси билан бирга бўлади. Кино сюжети ана шу тисолий ишоратлар билан йўғрилган. Ле-

кин уларнинг асосида тарихий ҳақиқат борлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Масалан, Амир Темурнинг Андалусиядаги элчиси Муҳаммад Кеший — тарихий шахс. Унинг Донна Мария билан испан тилидаги суҳбати кино композициясида муҳим аҳамиятга эга. Кино ижодкорлари олис ўтмиш ва бугунги кунга параллел равишда қайтиб туриш жараёнида бундай тарихий фактлардан муваффақиятли фойдаланишган.

Фильм Ўзбекистон Кинематография агентлиги буюртмаси билан “Ўзбекфильм” ДУК ва Туркия давлатининг “Кангуру” компанияси ҳамкорлигида яратилган.

Кино ижодкорлари замонавий кино индустриясининг энг сўнгги ютуқларидан жуда омилиқорлик билан фойдаланишган. Воқеаларнинг қадимий мухташам саройлардан замонавий қасрларга кўчиши ва аксинча, бугундан ўтмишга қайтиб туриши сехрли равишда томошабинни ўзига мафтун этади, чексиз хай-

ратлар дунёсига олиб кетади.

Донна Мария ролини ўйнаган бразилиялик актриса Жессика Мей ўзига хос маҳорат довоини тиклаган. Тақдирот сўнггида унинг турк тилидаги латофатли чиқиши яна бир бор томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Жўрабек Арзиев, Элбек Файзиев, Осиё Абдуллаева каби ўзбек актёрларининг турк, япон, испан ва инглиз ҳамкасблари билан самарали ҳамкорлиги фильмнинг муваффақиятини таъминлаган.

Кинога юкланган гоа замирида ўзбек-туркий замин қадимда доно Шарқ билан саркаш Оврупани бирлаштирган бўлса, эндиликда ҳам Ўзбекистон Шарқ ва Фарбни боғловчи кўприк бўлиб қолаверади, деган ишора бор.

Улуғ Амир қўшинларининг Анқара жанги олдида сафлашиши манзараси, айниқса, қалқон марши ўзбек кино санъатида муҳим янгилик ҳисобланади.

Лекин шу ерда бир эътирозимиз бор:

Амир Темур наъра тортиб жангга кирганида, сафдошлари руҳланиб, ғанимлари титроққа тушгани ҳақида тарихий битикларни кўп ўқиганмиз.

Киномизда эса, улуғ саркарданинг жанг якунидаги монологи озодбекча майин қўшиққа ўхшайди. Шу ерда раҳматли Шукр Бурхоннинг “Қирол Лир” даги ҳайкириги етишмагандай...

Ва яна буюк салтанат ҳукмдорининг турк султони ҳарамидида барча европалик канизакларни озод этиб, ўз юртига кетишга изн бериш ҳақидаги фармони олийни ёнидан чиқариб, ўз қўли билан жангга қатнашган Донна Марияга тақдим этиши салгина эриш туюлди. Бу мулоҳазаларимизни кинони суратга олган режиссёрлар, мутахассислар ўйлаб кўришар.

Шунга қарамай, фильм ижодкорлари — сценарий муаллифи танқили адиб Хайриддин Султон, бадиий муҳаррир Жаҳонгир Қосимов, постановкачи режиссёр Ёлқин Тўйчиев, ижрочи продюсер Вулкан Онги ва бошқалар ўз мақсадларига эришган деб айта оламиз.

Энди бу фильм мамлакатимиз экранларида намоиш этилади. Жаҳон кино санъати майдонларига чиқиб боради. Халқимизнинг қадимий давлатчилик тарихи, бой маданиятимиз, азалий қадриятларимиз ва анъаналаримиз, дунё тамаддуни ривожига катта ҳисса қўладиган улуғ аждодларимизнинг ҳаёти ва ижодини жаҳонга танитишда муносиб роль ўйнайди.

Чунки комил ишонч билан айтиш мумкинки, янгича гоа, талқин асосида яратилган ушбу фильм шунга арзийди. Асар сценарийси маҳорат билан ёзилган. Ундаги ҳар бир сўз, диалог қалбга етиб борар даражада.

Демак, ўзбек кино ижодкорларини юқори савиядаги асар билан қутлашга ҳақимиз. Маашур шоир ёзганидек, “Ўртоқ “Ўзбекфильм” бўлар экан-ку!”

Абдуҳалиқ АБДУРАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист.

✓ ҚУТЛОВ



“Turonbank” ATB jamoasi Sizni
O‘zbekiston Respublikasi Mustaqilligining
34 yilligi bilan tabriklaydi!



turonbank.uz

1220

XIZMATLAR LITSENZIYALANGAN

✓ ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

БУНЁДКОРЛИК ШАШТИ СЎНМАЙДИ...

Бор жойдан йўқ қилиш осон, аммо йўқ жойдан бор қилиш — ҳалол меҳнатнинг, матонат ва садоқатнинг энг ёрқин намунасидир. Қурилиш — фақат бино ёки иншоот эмас, балки инсоннинг ҳаёти, муҳити, келажиги барпо этиладиган соҳа. Бино қураётган ҳар бир қўл ҳаракати ортида ҳаётга ишонч, юртга муҳаббат ва меҳнатга садоқат ётади. Ана шундай инсонлардан бири — бутун умрини қурилиш соҳасига бағишлаган, бугунги кунда Зарафшон қурилиш бошқармасида участка бошлиғи вазифасида самарали фаолият олиб бораётган Давлат Бобоқуловдир.

Навоий шаҳрида таваллуд топган Д.Бобоқуловнинг меҳнаткаш ва жонқурлиги болалигидан бошланган. Отаси Явқоч Бобоқулов шофёр — автобус ҳайдаб, онаси Гулсанам Қосимова эса бухгалтер сифатида фидойилик билан ишлаб, оила тебратишган. Қаҳрамонимиз катта фарзанд бўлиб, икки синглиси ва икки укасига бош бўлиб улғайди. Илк таълимни Навоий шаҳридаги 2-мактабда олган, ўрта таълимдан сўнг ўқишни техника билим юртида давом эттириб, қурилиш соҳаси бўйича мутахассислик дипломига эга бўлди. Катта ҳаётга дадил қадам ташлаган бўлажак бунёдкор ҳарбий хизматини Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида, разведка бўлимасида ўтади.

— Бу касбни нега танлаганман? Бу шундай касбки, йўқдан бор қиласиз, — дейди Д.Бобоқулов биз билан суҳбатда. — Тўлиқ жараёни ўз кўзингиз билан кўрасиз, пойдевордан бошлаб, аста-секин бино тикланади, ички-ташки фасад ишлари... Бино тайёр бўлганда эса меҳнатингиз самарасини кўриб, кўзингиз қувнайди! Бобом Алиакбар Қосимов ҳам қурилиш соҳасида ишлаган. Мен, аслида, бобомнинг касбларини давом эттирдим. Бобом “Жанубсаноатмонтаж” трести раҳбари ёнига олиб бордилар ва муддаони у кишига айтиб: “Гўшти саники, суяги маники”, дедилар-да, мени илк меҳнат жамоам сари йўлаб қўйдилар...

Шундай қилиб, меҳнат фаолиятини мазкур трестда монтажчи вазифасида бошлаган фидойи қурувчи ўз касбини сидқидилдан адо этиб, ташаббускорлиги билан ҳам кўпчилиكنинг назарига тушди. Бир муддат “Навоийазот” корхонасида ҳам фаолият олиб борди. Аммо қурилиш ташкилоти уни яна ўз бағрига олди. 1995 йилда Зарафшон шаҳридаги қурилиш ишларига юборилиб, бир неча йил шу ерда қолиб кетди. Натижада 2001 йилда Зарафшон қурилиш бошқармасидан тақлиф тушиб, Д.Бобоқулов ўзи бошқараётган бригада билан бирга янги корхонага келиб қўшилди. Шу тариқа унинг тақдир йўли Зарафшон билан чамбарчас боғланди.

Қарийб 40 йиллик фаолияти давомида “Қизилқумцемент” заводининг 3-навбати қурилишида иш бошлаган забардаст бунёдкор “Навоий ИЭС”даги қурилиш ишларида ҳамда қишлоқларга тоза ичимлик суви қурувлари тортиш каби йирик лойиҳаларда иштирок этди. Зарафшондаги фаолиятининг асосий қисми эса 2-гидрометаллургия заводининг қурилиши билан чамбарчас боғлиқ



бўлди. Бундан ташқари, 3-, 7-гидрометаллургия заводлари қурилишларида ҳам самарали фаолият олиб борди ҳамда Қизилқум фосфорит комплекси, Суграли, Қоқпатаздаги янги цехлар қурилишларида фаол иштирок этди.

— Бугунги кунда ана шу объектларни бориб кўрсам, у ерда жадал давом этаётган фаолият, инсонларнинг саъй-ҳаракатини кузатиб, қалбимнинг туб-тубида ифтихор туйғуси пайдо бўлади, — дейди қурувчи. — Шунча оила, шунча халқ бундан манфаат кўрмоқда ва айни шу ишларда ўзимнинг ҳам ҳиссам борлигидан беҳад қувонаман. Қурувчиликнинг жозибаси ҳам шунда, чамамда...

Д.Бобоқулов фаолияти давомида бугунги кунда нафақа гаштини сураётган Нариман Авезов, Саноккул Искандаров, раҳматли Валерий Куёнов каби бир қатор фидойи устозлардан таъриба ўрганган, уларнинг маслак ҳамда маслаҳатларига қулоқ тутган. Ҳозирда ўзи ҳам қўллаб-қувватловчи устозлик қилмоқда. Давлат аканинг қўл остида ҳозирда 115 нафар ишчи меҳнат қилапти, асосан, монтажчилар, пайвандловчилар, темир конструкция усталари.

— Агар қайтиб яна дунёга келсам ҳам яна қурувчи бўлардим. Бошқа касбда менга жой йўқ! Кабинетда ўтириб ишлолмайман, — дея суҳбатимиз якунида ўз ҳаёт ҳақиқатини билдираркан, Давлат ака қалбидида орзу-умидларини ҳам баён қилди: — Келгусида комбинатимизда бунёд этиладиган заводлар, конлар ва ижтимоий объектлар қурилишида пойдеворидан то охиригача оддий қурувчи сифатида бўлса-да иштирок этиш ниятим бор! Халқимиз учун, мамлакатимиз учун ушбу лойиҳаларнинг жуда муҳим аҳамиятли эканини теран ҳис қиламан...

Бундай одамлар бор экан, Қизилқум сарҳадларида бунёдкорлик шашти сўнмайди.

Азамат ЗАРИПОВ

Hurriyat



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлар
уйюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан
руйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоши келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий
эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган
маълумотлар учун
муаллиф жавобгар.

Адади: 4 280

Буюртма — Г-844

1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 22³⁰

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

ISSN 2183-0680



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқилотлар
учун — 233

Маъиллимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurrayat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Эркин Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ислам Асильбеков, Мусаҳҳиҳ: Зухро Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.